

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИБОДУЛЛАЕВ СУННАТТУЛЛА АКМАЛЖОН ЎҒЛИ

ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА БАНК КРЕДИТЛАРИ ҲИСОБИ ВА
КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Илмий рахбар:
и.ф.н., доц. Кулжанов О.М.

ТОШКЕНТ-2015

МУНДАРИЖА

	бет
КИРИШ.....	3
1 БОБ. ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ.....	11
1.1 Акционерлик жамиятларида банк кредитларининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва турлари.....	11
1.2 Тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш истиқболлари	18
1.3 Акционерлик жамиятларида кредит операциялари аудитининг ташкिलий тамойиллари ва ўтказиш тартиби	35
2 БОБ. ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА БАНК КРЕДИТЛАРИ ҲИСОБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ...	40
2.1 Тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари бўйича операциялар ҳисобини ҳужжатлаштириш ва уни такомиллаштириш.....	40
2.2 Кредит фоизлари, жарималар ҳисоби ва уларни такомиллаштириш йўллари	54
2.3 Тўқимачилик корхоналарига банк кредитларини жалб этишни мақсадга мувофиқлигини баҳолаш	60
3 БОБ. ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА БАНК КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	66
3.1. Тўқимачилик корхоналарининг кредит ресурслари билан таъминланиши ва уни аудитини ташкил қилиш тартиби.....	66
3.2. Тўқимачилик корхоналарида кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланилиши ва кредитларнинг қайтарилиши аудитини ўтказиш йўллари.....	73
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	84
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	86
ИЛОВАЛАР.....	

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистон республикаси ўз истиқлол ва тараққиёт йўлига илк қадамларини қўйишни бошлаган вақтда иқтисодиётимизда мулкка бўлган эгалик ҳукуқи давлат ихтиёрида мужассам эди. Бундай шароитда аҳоли кенг қатламларида мулкка бўлган эгалик ҳиссининг йўқлиги туфайли боқимандалик ва лоқайдлик кайфиятлари ҳукм сурган. Бу ҳолат мамлакатимизда аҳолида мулкка бўлган эгалик ҳиссини тарбиялаш, боқимандалик кайфиятларига чек қўйиш, ташаббусни ва ихтирочиликни рағбатлантириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида рақобат муҳитини яратиш йўли билан ҳам нархи бўйича, ҳам сифати бўйича рақобатбардош бўлган маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқарилишини таъминлаш, тармоқлараро рақобат муҳитини яратиш ва пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли билан мулкни ўз эгаларига топширишни тақозо этади: Президент И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат - бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир».

Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида амалга оширишда маҳаллий шароитни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос бўлган янги йўл танланди. «Ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмаган, давлатга бутунлай қарам, мени давлатни ўзи боқади, дея боқимандалик кайфияти билан яшайдиган ҳолатдан ўзининг ҳалол меҳнати билан қўлга киритган, ўзининг ҳам, болаларининг ҳам фаровонлигини таъминлайдиган мулкка эга бўлган, биринчи галда, ўз кучи, билими, тажрибаси ва ташаббусига таяниб иш юритадиган мулкдорлик ҳолатига ўтиш - буларнинг барчаси осон кечмайдиган, лекин ўта муҳим ҳаётий жараёндир. Мамлакатимиз ва халқимизнинг тақдири, келажаги мана шу жараённи қай даражада

муваффақиятли амалга ошира олишимизга боғлиқ.»¹ Ислохотларни амалга оширишнинг «Ўзбек модели» деб ном олган бу йўлнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида ислохотларни босқичма - босқич амалга оширилиши ва кучли ижтимоий ҳимоя тамойилларига амал қилинишини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур. Ушбу тамойилларига амал қилган ҳолда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ҳам бир нечта босқичларда амалга оширилди. Бунда давлат корхоналари тўқимачилик корхоналарига айлантирилди. Натижада, ҳозирги кунга келиб республикамызда фаолият юритаётган кўплаб корхона ва ташкилотлар акционерлик жамиятлари сифатида фаолият кўрсата бошладилар.

Мулк давлат тасарруфида бўлган шароитда корхона ва ташкилотлар учун асосий воситаларни сотиб олиш ва айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларни қондириш учун бирдан - бир манба сифатида давлат молиявий қўйилмаларидан фойдаланилган.

Бундай шароитда банк кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши сезиларли амалий аҳамиятга эга бўлмаган.

Ҳозирги шароитда, яъни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан хўжалик субъектлари фаолиятига бевосита молиявий қўйилмалар киритиш усули ўрнига инвестиция қўйилмаларини амалга ошириш тобора кенгрок қўлланилаётган бир вақтда банк кредити маблағларидан корхона ва ташкилотлар учун асосий фондларни янгилаш ва айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг асосий манбаларидан бири сифатида фойдаланилмоқда. Маълумки, олинган банк кредитларининг қайтарилиши ва бу кредитлар бўйича ҳисобланган фоизларнинг тўланиши акционерлик жамиятларининг фойдаси ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, акционерларга тўланиши лозим бўлган дивиденд тўлови ҳам фойда

^{1 1} И.Каримов "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" Т.: "Ўзбекистон" -1999 й. 34 б.

ҳисобидан амалга оширилади. Натижада, банк кредитларини қоплаш ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш билан акциялар бўйича ҳисобланадиган дивиденд тўловлари миқдори ўртасида тескари боғлиқлик вужудга келади, яъни, биринчи кўрсаткичнинг ортиб бориши тегишли равишда иккинчи кўрсаткичнинг камайиб боришига сабаб бўлади. Шу билан бирга, ушбу жараённинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилиши бухгалтерия ҳисобининг маълумотларининг ташқи истеъмолчилар учун қулай ва тушунарли тарзда бу жараён ҳақида ахборот етказиб берилиши фонд бозорида акцияларга бўлган талаб ҳажмининг ортишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат тадқиқот иши мавзусининг ҳозирги кундаги долзарблигини белгилаб беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий ислохотлар натижасида янги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг, хусусан, акционерлик жамиятларининг вужудга келиши ва уларни маблағ билан таъминланишини бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилиши муаммоси бу соҳанинг назарий масалаларини ёритишни тақозо қилди. Шу сабабли, ушбу масалага бағишланган адабиётларни яратиш йўлида маълум бир қадамлар қўйила бошланди. Бу борада самарали ижод қилаётган МДХ олимларидан Кондраков Н.П., Палий В.Ф., Шеремет А.Д., Полякова С.И., Баканов М.И., Чиркова М.Б., Орлова Н.С.ларни келтириш мумкин. Охирги йилларда мавзуга оид бажарилган илмий-тадқиқот ишларини кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидаги икки илмий иш эътиборимизни тортади. Чиркова М.Б. томонидаи «Методология бухгалтерского учета и экономического анализа в операциях кредитования коммерческих структур» мавзусида докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган бўлиб, унда асосий эътибор банк кредитларини ҳисобга олиш услубиётини такомиллаштириш масалаларига қаратилган. Орлова Н.С. эса «Бухгалтерский учет банковских ссуд и вексельных кредитов» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган бўлиб, унда акционерлик жамияти хусусиятлари ҳисобга олинмаган ва бундан ташқари асосий эътибор вексел кредитлари ҳисобини

такомиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон олимлари ва мугахассисларидан эса Ё.Абдуллаев, А.Пардаев, М.Пардаев, О.Жуманов, Н.Жўраев, Ҳ.Мусаев, Б.Ҳасанов, Н.Санаев, Б.Ҳамдамов, Б.Исроилов, В.Беганов, Д.Шаулов, У.Кан ва бошқаларнинг номларини алоҳида қайд қилиш мумкин. М.Пардаев раҳбарлигида Б.Исроилов томонидан «Ҳиссадорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш» мавзусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган бўлиб, унда тўқимачилик корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятларига асосий эътибор қаратилган. Лекин тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш бўйича ҳеч қандай фикр билдирилмаган.

В.Беганов, Д.Шаулов, У.Канлар томонидан чоп этилган «Тўқимачилик корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари» номли қўлланмасида ҳам акционерлик жамиятларининг ташкилий тузилиши, акционерларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва бошқа умумий томонлари тўғрисида фикр ёритилган бўлсада тўқимачилик корхоналарида банк кредитларининг ҳисоби ва аудити тўғрисида ҳеч қандай фикрлар мавжуд эмас.

Бир томондан мазкур муаммоларнинг ҳозирги пайтдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва иккинчи томондан, унинг иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаганлиги ушбу мавзуда тадқиқот олиб боришимизга асос бўлади ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилашга имкон беради.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади хўжалик субъектларида банк кредитлари ҳисоби ва **аудит**нинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарурлиги белгилаб олинди:

- кредитларнинг турларга ажралишини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга

олишга таъсирини ўрганиш;

- Тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари ҳисобининг ҳозирги ҳолатини ўрганган ҳолда, уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- кредит операциялари аудитининг ташкилий тамойиллари ва тартиби бўйича тавсиялар бериш;

- Тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари бўйича операциялар ҳисобини ҳужжатлаштиришни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

- кредит фоизлари ва жарималари ҳисобини ўрганган ҳолда уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

- Тўқимачилик корхоналарида банк кредитларининг ҳақиқий нархини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

- кредит операциялари аудитининг услубий жиҳатларини ўрганган ҳолда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

- акционерлик жамиятларининг кредит ресурслари билан таъминланиши таҳлилини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

- Тўқимачилик корхоналарида кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланилиши ва кредитларнинг қайтарилиши таҳлилини самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари бўйича операциялар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқот объекти бўлиб, республикамиздаги фаолияти давомида банк кредитларидан фойдаланувчи акционерлик жамиятлари, жумладан «Ташкяатекстиль» қўшма корхонаси, «Мархамат» ва «Наманган текстиль» очик турдаги акционерлик жамиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси бўлиб, тарихий ҳамда ҳозирги замон иқтисодий-ижтимоий адабиётларда баён қилинган ва асослаб берилган банк кредитлари ҳисоби ва таҳлилини асосий концепциялар ҳамда

тамойиллари, давлат органларининг дастурий ва истиқболга доир ишланмалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А.Каримов асарлари ва ҳукуматнинг директив ҳамда меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки йўриқномалари, бозор иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида ҳисоб сиёсати ва назоратига оид меъёрий ҳужжатлар, иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари ҳисобланади. Тадқиқот ўтказишда ўрганилаётган жараёнлар ўзаро боғлиқликда, ўзгаришда ва ривожланишда деб қаралади. Изланиш натижалари бўйича хулосалар кўрсаткичларни солиштириш, гуруҳлаш, таққослаш, таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгиликлари сифатида қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:

- иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари ҳисоби ва аудитининг назарий асослари ишлаб чиқилди;
- кредит операциялари таҳлилини ўтказишда ҳужжатларни таққослаш йўли билан аудит ўтказиш усулини қўллаш тартиби ишлаб чиқилди;
- кредитнинг ҳақиқий нарҳини аниқлаш усули ишлаб чиқилди;
- кредит фоизлари бўйича харажатларни маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар таркибида ҳисобга олиш таклифи киритилди;
- кредитларнинг қайтарилиш таҳлилини ўтказишнинг самарали усулини қўллаш мумкинлиги асослаб берилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда илгари сурилган тавсиялар ва таклифлар қуйидаги йўналишлар бўйича ўзининг реал татбиқини топиши мумкин:

- Тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари бўйича операциялар ҳисоби ва аудити соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини давом эттиришда;
- Тўқимачилик корхоналарида банк кредитларини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштиришда;
- банк кредитларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда;

- кредит ресурслари билан таъминлаш, улардан мақсадли фойдаланиш ва кредитларнинг қайтарилиши таҳлилини ўтказишда;

- иқтисодий олий ва ўрта махсус ўқув юртларида «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» курсини ўқитиш давомида фойдаланишда.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва амалиётга татбиқ этиш. Тадқиқот натижалари бўйича олинган хулоса ва таклифлар 2008 йил 2-30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академиясида "Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари" мавзусидаги Республика илмий – амалий конференциясида муҳокама қилинди ва ижобий баҳоланди.

Тадқиқот мавзуси бўйича чоп этилган ишлар. Илмий изланиш натижалари бўйича юқорида таъкидланган конференциялар тезислари тўпламларида, ватанимиздаги ва хориждаги илмий нашрларда қатор илмий мақолалар чоп этилган.

Битирув малакавий иши таркиби. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг таркиби унинг мақсади, вазифалари, йўналишларини акс эттиради.

Ишнинг ҳажми ва структураси: Битирув малакавий иши-кириш, 3 та қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 88-бет, 3-расм ва 23-жадвалдан иборат. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида 37 та адабиёт келтирилган.

Биринчи бобда - тўқимачилик корхоналарида банк кредитларнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва турлари ҳамда тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари ҳисобининг ҳозирги ҳолати ўрганилиб, уларни такомиллаштириш истиқболларининг назарий ва услубий жиҳатлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, кредит операциялари аудитининг ташкилий тамойиллари ва тартиби юзасидан ҳам таклифлар ишлаб чиқилган.

Иккинчи бобда - тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари ҳисобини ҳужжатларда акс эттирилишини, кредит фоизлари ва жарималар

ҳисобини такомиллаштириш юзасидан бир қанча таклифлар асослаб берилган. Буларга қўшимча равишда тўқимачилик корхоналарига банк кредитларини жалб этишни мақсадга мувофиқлигини баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

Учинчи бобда - тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари бўйича операциялар аудитининг услубий жиҳатларини, акционерлик жамиятларини кредит ресурслари билан таъминлаш аудитини, тўқимачилик корхоналарида кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланилиши ва кредитларни қайтарилиши аудитини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Хулоса қисмида - бажарилган илмий тадқиқот натижалари бўйича хулосалар баён қилиниб, тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари бўйича операциялар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар берилган.

1-БОБ. ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИТ АСОСЛАРИ

1.1. Тўқимачилик корхоналарида банк кредитларнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва турлари

Бозор иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида кредит қарзга бериладиган пул капитали ҳаракатланишининг шаклларида бири бўлиб ҳисобланади. Кредитлаш орқали аҳолининг, корхонанинг ва давлатнинг бўш турган пул маблағлари банкларда тўпланади ҳамда муайян ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш учун хўжалик субъектларига берилади.

Акционерлик жамиятлари ҳам ўз фаолиятларини узлуксиз давом эттиришлари учун ўзларида қўшимча маблағларга бўлган эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёж банк кредитлари ҳисобидан қопланилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш воситалари кўринишидаги капиталнинг тармоқдан-тармоққа ўтиш имкониятлари жуда чекланган. Лекин иқтисодиётда ҳар доим иқтисодий ресурсларни, энг аввало капитални тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш зарурияти мавжуд бўлади. Бу вазифани энг оқилона тарзда кредит механизми ва унинг таркибий қисми бўлган банк кредити бажаради.

Банк кредити воситасида молиявий ресурслар пул капитали сифатида жамланади ҳамда тармоқлар ва корхоналар ўртасида бозор мезонлари асосида тақсимланади. Кредитни белгиланган муддат давомида қайтариш ва кредитдан фойдаланганлик учун муайян ҳақ тўлаш зарурлиги кредитга олинган маблағлардан юқори самара бера оладиган фаолият соҳаларида фойдаланишга мажбур этади. Шундай қилиб, кредит иқтисодиёт самарадорлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Банк кредитининг муҳим вазифаларидан бири - бу ишлаб турган корхоналар айланма маблағлари доиравий айланишининг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Бу асосан қисқа муддатли кредитлаш воситасида амалга оширилади. Қисқа муддатли кредит корхона ишлаб чиқариш заҳираларини тўлдиришга, товар-моддий бойликларини сотиб олишга,

ишлаб чиқарилган товарларни сотиш жараёнида вужудга келган маблағларнинг вақтинча етишмовчилигини тўлдиришга ва бошқа шу каби мақсадларга йўналтирилади. Акционерлик жамиятларида банк кредитларидан фойдаланилиши орқали ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлашга, янги техника ва технологияларни сотиб олиш орқали маҳсулот сифатини оширишга, янги иш ўринларини яратишга ижобий таъсир кўрсатилади.

Банк кредитлари корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши туфайли халқ хўжалигида фойданинг капиталлашуви жараёнларини тезлаштиради. Бу бозор иқтисодиётини эркинлаштириш босқичида, мамлакатда қўшимча иш жойларини яратиш ниҳоятда зарур бўлган даврда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Банк кредити мамлакатда пул массаси, ҳажми ва таркибига, тўлов оборотига, пул муомаласи тезлигига жуда кучли таъсир кўрсатади. Банк векселлар, облигациялар, сертификатлар ва бошқа муддатли мажбуриятли қимматли қоғозлар чиқариш орқали кредит пулларини вужудга келтиради. Берилган кредит маблағлари билан бир қаторда кредит пуллари ҳам мамлакатда жами талабга таъсир кўрсатади ва жами миллий маҳсулот сотилишини тезлаштиради.

Банклар томонидан кредит беришнинг умумий қоидалари давлат томонидан белгилаб берилади ва бу жараённи ўз ваколатлари доирасида Марказий Банк амалга оширади. Муайян тармоқлар ва соҳаларнинг ривожланишини рағбатлантириш мақсадларида қарз олувчиларнинг турли гуруҳларига давлат кафолатлари ва имтиёзлари жорий этилади. Кредитдан мамлакат экспорт потенциалини юксалтириш, уй-жой қурилишини, капитал қўйилмаларни рағбатлантириш, регионларни жадал ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Тижорат банкларининг кредитлари юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Қайтарилиш муддатларига қараб кредитлар қисқа муддатли (1 йилгача), ўрта муддатли (1 йилдан 5 йилгача) ва узоқ муддатли (5 йилдан ортиқ)

кредитларга бўлинади. Қисқа муддатли кредитлар одатда айланма капитал (айланма маблағлари) нинг ҳаракатланиши билан боғлиқ, узоқ муддатли кредит асосий капитал (асосий фондлар) ни такрор ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ мақсадларга йўналтирилади. Амалдаги тартиб бўйича банк кредитлари берилиш муддатларига кўра уч турга бўлинсада, барча хўжалик юритувчи субъектлардаги каби тўқимачилик корхоналарида ҳам уларни ҳисобга олиб борувчи 2 та ҳисобварақ мавжуд.

Таъминот шаклига кўра банк кредитлари гаровли, кафолатли ва суғурталанган кредитларга бўлинади. Таъминланиши талаб этилмасдан берилган кредитлар ишонч (бланк) кредити деб юритилади. Акционерлик жамияти банкдан ишонч кредит олиш имкониятига эга бўлса, кредит олиш билан боғлиқ бўлган айрим унумсиз ҳаракатларни тежаш имконияти вужудга келади. Масалан, гаровга қўйилаётган мулкни баҳолаш, мажбурий гаров суғуртаси учун суғурта бадалини тўлаш, гаров шартномасини нотариал идоралар томонидан тасдиқлатиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш харажатлари тежалиши мумкин. Бундан ташқари кредитни расмийлаштириш учун - сарфланадиган вақт ҳам тежалади. Акционерлик жамиятлари кредит маблағига зарурият пайдо бўлгандан сўнг банк бўлимига мурожаат қилишларини ҳисобга оладиган бўлсак, банк бўлимига ариза берилиши ва кредит қарзи ҳақиқатда олинishi ўртасидаги фарқ қанчалик кам бўлиши нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги аён бўлади. Банк кредити муддатлилиқ, қайтарувчанлиқ, таъминланганлиқ, мақсадлилиқ ва тўловлилиқ қоидалари асосида берилади.

Муддатлилиқ - кредитга берилган маблағлар қайтарилишини таъминлашнинг зарурий воситасидир. Қатъий белгиланган муддатда қайтарилмаган кредит пул муомаласига салбий таъсир кўрсатади, чунки у муомалада товар таъминотига эга бўлмаган пул мавжудлигини билдиради. Кредитга берилган пул маблағи банкка қайтиб келмаслиги сабабли, шу кредит ресурслардан бошқа хўжалик юритиш субъектлари маҳрум этиладилар. Тижорат банкининг ликвидлилиги ёмонлашади. Булардан

ташқари, қарздорнинг ўзи ҳам банкдан янги кредит олиш имкониятидан маҳрум бўлади ва кечиктирилган кредит учун оширилган фоизлар тўлашга мажбур бўлади. Бундан ташқари, барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, шу жумладан акционерлик жамиятлари томонидан ҳам, банк кредитини шартномада кўрсатилган муддатларда қайтарилмаганлиги учун тўланадиган фоиз суммаси солиққа тортиладиган базага қайта қўшилади ва фойда солиғига тортилади. Бу эса ўз навбатида унумсиз харажатларни ортишига ва фойда (даромад) нинг камайишига сабаб бўлади.

Тижорат банки кредит беришда мижозларнинг молиявий аҳволи, балансининг ликвидлиги, ўз маблағларига эга эканлиги, ҳозирда ва "келажакда рентабеллик даражаси ва кредитдан самарали фойдаланиши ва уни қайтариш имкониятларини характерловчи бошқа сифатларига алоҳида эътиборни қаратиши лозим.

Банк кредит беришда ҳар бир мижозга алоҳида ёндошади. Кредитнинг тўловлиги қарздор банкка кредитдан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлаши лозимлигини билдиради. Тўланадиган ҳақ кредит суммасига нисбатан фоизда белгиланади. Банк амалиётида йиллик (кредитдан бир йил фойдаланганлик учун фоиз даражаси) ёки ойлик (кредитдан бир ой фойдаланганлик учун фоиз даражаси) фоизлар қўлланилади. Кредит учун фоиз даражаси ўз моҳиятига кўра кредитнинг баҳосидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида қарзга берилаётган маблағ ўзига хос товарга айланади. Бу товарнинг бошқа товарлардан фарқи шундаки, унинг ўзи эмас, балки ундан фойдаланиш имконияти (ҳуқуқи) сотилади ва бунинг учун фоиз кўринишида ҳақ тўланади. Кредитнинг тўловлиги қарз олувчиларни имкони борича ўз маблағларидан самарали фойдаланишга мажбур қилади. Олинган фоиз воситасида банк ўз маблағларидан самарали фойдаланишга мажбур қилади, шунингдек банк ўз харажатларини қоплаш ва жалб этилган маблағ эгаларига фоиз тўлаш имкониятига ҳам эга бўлади. Кредитлаш жараёнида банк билан қарздорларнинг ўзаро муносабатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Қарз олувчининг ўз маблағларини ҳам қарз йўналтирилаётган хўжалик тадбирларида иштирок этиши ва бу иштирокнинг таркиби ва даражасини аниқлаб олиш. Бозор иқтисодиёти шароитида қарз олувчи ўз маблағларининг кредит йўналтирилаётган тадбирларда иш-тироқи қатъий белгилаб қўйилган эмас. Бироқ, банк мижозининг кредит қобилиятини аниқлаш орқали унинг ўз маблағлари билан таъмин-ланганлигини ҳисобга олган ҳолда кредит беради;

- Кредитнинг аниқ мақсадларга берилиши. Кредит банк томонидан корхонага аниқ мақсадларга ишлатиш учун берилади. Бу мақсадлар корхона тақдим этадиган бизнес-режада ўз ифодасини топади. Банк кредитнинг мақсадли ишлатилишини текшириб боради. Бозор муносабатлари чуқурлашуви билан хўжалик объектларини кредитлашдан хўжалик субъектларини, уларнинг тўлов оборотидаги узилишларни кредитлашга ўтиб борилади;

- Кредитлаш усуллари. Бу кредитнинг берилиши ва қайтарилиши усуллариidir. Тижорат банкларида кредитлашнинг икки хил усули қўлланилади. Биринчисида кредит муайян мақсадга ва муайян муддатга берилади (кредит линиясини очмасдан). Иккинчи усулда банк томонидан белгилаб қўйилган лимитдан ортмаган ҳолда кредитлаш амалга оширилади. Қарздорнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда муайян давр мобайнида унинг тўлов ҳужжатлари банк томонидан кредит ҳисобидан тўлаб берилади (кредит линияси очиш).

Агар харид қилинган товарнинг ҳақини дарҳол тўлаш ёки яқин орада бошқа бирон бир харажат қилиш зарур бўлсаю, лекин бунинг учун корхонанинг хусусий капитали етмаса, бундай ҳолларда «корхонада бир галлик қарз маблағларига эҳтиёж туғилади» дейилади. Бу эҳтиёжни қондириш учун «кредит линияси очилмаган» ссуда ҳисобварағидан фойдаланилади.

Бундай ҳисобварақдан кредит бериш бир галлик ссуда бериш йўли билан амалга оширилади. Бундай ссуданинг ҳар бири учун банк алоҳида қарор

қабул қилади. Бу шуни билдирадики, агар келгусида яъни кредит қарзи қоплангандан сўнг, яна кредит зарур бўлса, корхона раҳбарияти банк талаб қилган ҳужжатларнинг янги тўпламини тўлиқ ишлаб чиқиши, худди биринчи кредит олганидек музокаралар олиб бориши ва барча ҳуқуқий расм-русумларини бажариши лозим. Бу эса, барча қарз олувчилар, шу жумладан акционерлик жамиятлари ҳам кредит олиш учун банк талаб қилган ҳужжатлар тўпламини янгидан қилиш учун қушимча унумсиз харажатларни қилиши зарурлигини англатади. Шунинг учун, агар кредит ресурсларига эҳтиёж узоқ муддатли ва такрорланувчан эканлиги олдиндан таҳлил қилинса, «кредит линияси очик» кредит бериш тўғрисида шартнома тузиш қулайроқ эканлиги ва арзонга тушиши аён бўлади. Кредит линияси - бу корхона билан банк ўртасида «белгиланган суммада қарзлар туркумини бериш» тўғрисида тузиладиган келишувдир. Кредит линиясини очишда банк томонидан кредитлаш лимити белгиланади. Шу лимит доирасида кредит беришда банк билан қўшимча музокаралар олиб бориш талаб қилинмайди.

Ҳар қандай жамиятда кредитнинг заруриятини белгиловчи бир қатор омиллар мавжуд. Умуман, товар ишлаб чиқариш мавжуд ижтимоий-иқтисодий формацияларда кредитнинг заруриятини белгиловчи асосий омил бўлиб товар ишлаб чиқариш ва пул муомаласининг мавжудлиги ҳисобланади.

Тўқимачилик корхоналарида кредитнинг заруратини белгиловчи омилларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- 1) Фондларнинг айланиш хусусиятлари;
- 2) Корхоналарнинг ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларида фаолият кўрсатиши.

Биринчи ҳолда, халқ хўжалигида мавжуд корхона, ташкилотлар ишлаб чиқариш фаолиятини юргизиш учун маълум миқдорда асосий ва айланма фондларини ташкил этилиши лозим. Корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксиз олиб борилиши катта миқдордаги айланма маблағни

талаб қилади ва кўп ҳолларда бу маблағ корхона ихтиёрида бўлмайди. Чунки, ишлаб чиқаришнинг бошланиши билан маҳсулотни сотиш жараёни бир вақтга мос келмайди, бундан ташқари ишлаб чиқариш цикли ҳар хил тармоқларда ҳар хил кечади.

Кредитнинг заруратини белгиловчи иккинчи омил бўлиб, корхоналарнинг хўжалик ҳисоби тамойилларида ишлаши ҳисобланади. Маълумки, ҳар бир акционерлик жамияти ўз ишлаб чиқариш фаолиятини ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириши ва молиялаштириши керак. Аммо, корхоналар бу мақсадлари учун зарур бўлган пул маблағларини етарли даражада керак бўлган муддатда ташкил эта олмасликлари мумкин. Шундай вақтда, улар ўз эҳтиёжларини кредит орқали қондирадилар. Масалан, корхона ишлаб чиқариш жараёнини қайта жиҳозламоқчи ёки такомиллаштирмоқчи бўлса, унга катта миқдордаги пул маблағлари талаб қилинади. Бу жараёнларни амалга ошириш манбалари - амортизация ажратмалари ҳисобидан ёки тўқимачилик корхоналарида қўшимча акция чиқариб сотиш орқали амалга оширилса, у ҳолда узок муддат кутиш керак бўлади. Бу вақтнинг ўзида режалаштирилган лойиҳа маънавий эскириши мумкин. Натижада мўлжалланган мақсадга эришилмайди ва давр талабига жавоб берилмайди. Ана шундай шароитда корхоналарнинг хўжалик ҳисоби принципларига риоя қилиб, иш олиб боришлари учун бу маблағлар билан таъминлаш механизми - кредитга зарурият туғилади. Кредитнинг қатор функциялари мавжуд бўлиб, улар орқали кредитнинг моҳияти тўлиқ очиқ берилади.

Кредит қуйидаги функцияларни бажаради:

- 1) бўш пул маблағларини аккумуляция қилади (ссуда фондини ташкил қилади);
- 2) ссуда фондини тақсимлайди (Бу функция кўплаб иқтисодий адабиётларда кредитни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси сифатида берилади);
- 3) қўшимча муомала ва тўлов воситалари, яъни янги пул яратади.

Кредитнинг биринчи функцияси орқали жамиятда мавжуд бўш пул маблағлари умумлаштирилади ва ягона ссуда ресурслари фонди яратилади. Бу фонднинг яратилиши фақатгина кредит орқали амалга оширилиши мумкин. Чунки, у қайтариб бериш ва манфаатдорлик тамойилларига бўйсунди. Кредитнинг иккинчи функциясида йиғилган пул маблағлари ссуда сифатида тақсимланади ва тармоқларда қайта тақсимланади. Бунда ҳам берилаётган ссудалар кредитнинг хусусиятларига тўлиқ риоя қилган ҳолда муддатида қайтариб бериш шарти ва манфаатдорлик тамойилларини ифодалайди. Кредитнинг ўзига хос бўлган функцияларидан бири бу қўшимча тўлов ва муомала воситалари яратиш функциясидир. Кредит муносабатлари кредит операциялари орқали амалга оширилади. Бу жараёнда кредит пуллари яратилади. Муомала пуллари ҳам кредит операциялари орқали яратилади.

1.2. Тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш истикболлари

Тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари ҳисобининг иқтисодий адабиётларда ёритилиши ҳолатини ўрганиб чиққанимизда бу мавзуга деярли барча адабиётларда етарлича эътибор қаратилмаганлиги кўзга ташланади. Масалан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган асарлардан бири бўлган «Бухгалтерия ҳисоби» (198-233 бетлар) асарида «Пул, ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини ҳисобга олиш» номли XI - боби мавжуд бўлсада, бу бобда ҳам ва умуман бу асарнинг бошқа барча бобларида ҳам кредит муомалаларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши бўйича ҳеч қандай фикр билдирилмаган (37). «Тўқимачилик корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари» асарида мавзуга оид маълум фикрлар билдирилган. Жумладан, асарнинг II бобида қарз мажбуриятлари ҳақида умумиқтисодий тушунчалар - келтирилган бўлсада, қарз мажбуриятларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши ҳақида ҳеч

қандай фикр билдирилмаган (35). «Бухгалтерия ҳисоби бўйича амалий қўлланма» (57-58 бетлар) асарининг 1999 йилги нашрида банк кредитлари ҳисоби бўйича қисқа бухгалтерия ёзувлари келтирилган, лекин бу ёзувлар, биринчидан, амалиётда рўй бераётган кредит муносабатларига оид хўжалик операцияларининг барчасини акс эттириш учун етарли эмас деб ҳисоблаймиз, иккинчидан, мавжуд ҳолатни етарли даражада тўғри акс эттира олмайди (13б). Қуйида кредит операцияларининг ҳозирги ҳолатини ёритишга ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритишга оид олиб борилган тадқиқотларимизни баён этамиз. Корхона банкдан кредит олиш учун кредит олиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади. Аризада сўралаётган кредит суммаси, таъминот сифатида таклиф қилинаётган мол-мулклар, кредитни қайтарилиш муддатлари кўрсатилган бўлади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Кредитдан қандай мақсадларда фойдаланилиши кўрсатилган бизнес - режа;
2. Ҳисоботлар. (Охирги ҳисобот даври учун: бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати ҳақидаги маълумот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот).

Тақдим килинган ҳисобот маълумотларини тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш - учун ҳисобот маълумотлари Давлат Солиқ Инспекциясининг жойлардаги бўлими томонидан тасдиқланган ҳолда тақдим қилиниши талаб қилинади. Бунга сабаб қарз оловчилар томонидан ҳисобот маълумотларини сунъий равишда ўзгартирилиши ва натижада, кредитга лаёқатлилик даражасини хато аниқланишини олдини олишдан иборат.

Биз буни қуйидаги акционерлик жамиятлари баланси маълумотларини таҳлил қилиш орқали кўриб чиқамиз: (1.2.1-жадвал).

«Мархамат» очик турдаги акционерлик жамияти
 баланси активлари бўйича таҳлили
 (кўрсатилган йилларда 1-январь ҳолатига, минг сўмда)

Пул маблағлари				Тез пулга айланадиган маблағлар				Тез сотилувчи заҳиралар			
Баланс қатори	Қиймати			Баланс қатори	Қиймати			Баланс қатори	Қиймати		
	2005	2006	2007		2005	2006	2007		2005	2006	2007
170	194	106	112	200	-	-	1416	120	61335	41954	32109
180	-	-	-	220	2913	4887	9754	130	7035	8352	6412
190	-	1	1	230	-	5120	6856	140	6675	3784	586
210	-	-	-	240	-	14627	5207	150	590	363	2084
				250	26	34	-	160	5014	-	-
				260	-	-	-				
				270	1659	754	1673				
				290	195	-	201				
Жами	194	107	113		4793	25422	25107		80649	54453	41191

Ҳисоботда келтирилган маълумотларни тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилиш учун текширув фақатгина ҳисобот маълумотларини текшириш билан якунланмасдан, кредит олувчи корхонага бориб мавжуд ҳолатга тўлалигича баҳо бериб текширув ўтказилиши мумкин. Бунда ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги бошланғич ҳужжатларга солиштириш йўли билан аниқланади. Бу усулдан таваккалчилик даражаси юқори бўлган ҳолатларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Яъни, катта миқдорда кредит берилаётганда ёки синалмаган мижозларга кредит берилаётганда. Тақдим қилинган ҳисобот маълумотлари асосида банк кредит олувчи корхонанинг балансини ўрганиб, молиявий ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда кредитга лаёқатлилиқ даражасини аниқлаши мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада 2000 йил 1-январь ҳолатига пул маблағлари 194,0 минг сўмни, тез пулга айланадиган маблағлар 4793,0 минг сўмни ва тез сотилувчи заҳиралар 80649,0 минг сўмни ташкил қилган. 2001 йил 1-январда эса пул маблағлари 107,0 минг сўмни, тез пулга айланадиган маблағлар 25422,0 минг сўмни ва тез сотилувчи заҳиралар 54453,0 минг сўмни ва 2002 йил 1-январ ҳолатига пул Маблағлари 113,0 минг сўмни, тез пулга айланадиган маблағлар 24 25107,0 минг сўмни ва тез сотилувчи заҳиралар 41191,0 минг сўмни ташкил қилган. Қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилиги даражаси таҳлил қилинаётганда айланма маблағлари таркибида ўз айланма маблағларининг улуши неча фоизни ташкил қилишига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки айланма маблағлари таркибида ўз айланма маблағларининг юқори бўлиши қарз олувчининг мустақил фаолият кўрсатиш имкониятининг юқорилигидан далолат беради. Айланма маблағлари қарз маблағларидан ташкил топган бўлса, бу қарзларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни қоплаш манбалари таҳлил қилинади.

1.2.2 - жадвалда «Мархамат» очик турдаги акционерлик жамиятининг 2005 йил, 2006 йил ва 2007 йил 1-январ ҳолатига қисқа муддатли

мажбуриятлар миқдорлари акс эттирилган бўлиб, улар асосида ликвидлилик, қоплаш ва мухторият коэффициентларининг ҳисобланишида фойдаланилган.

1.2.2-жадвал

«Мархамат» очик турдаги акционерлик жамияти балансининг пассивлари
бўйича таҳлили
(кўрсатилган йиллар бўйича, минг сўмда)

Баланс катори	Баланс каторлари номи	Қиймати		
		2005	2006	2007
430	Қисқа муддатли кредитлар	2391	9201	-
420	Қисқа муддатли қарзлар	-	-	710
	Кредиторлар			
450	Мол етказиб берувчилар	11514	8573	8793
470	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича	2696	2315	2091
510	Шўъба корхоналарига қарзлар	-	-	-
520	Уюшма корхоналарига қарзлар	-	-	-
500	Бюджетдан ташқари тўловлар	1624	2381	361
460	Бюджет бўйича қарзлар	4116	8523	4541
530	Бошқа кредиторлар	5369	5705	3976
440	Харидор ва бюртмачилардан	3008	930	1845
480	Ижтимоий суғурта ва таъминот	11498	6460	5897
490	Мулкый ва шахсий суғурта бўйича	-	-	-
Жами:	Қисқа муддатли мажбуриятлар	42216	44088	28214

1.2.3-жадвал

«Мархамат» очик турдаги акционерлик жамиятининг ликвидлилик
коэффициенти

Йиллар	Пул маблағлари	Тез пулга айланадиган маблағлар	Қисқа муддатли мажбуриятлар	Ликвидлилик коэффициенти
2005	194	4793	42216	0,12
2006	107	25422	44088	0,58
2007	113	25107	28214	0,89

1.2.3 - жадвал ёрдамида акционерлик жамиятининг кредитга лаёқатлилик даражасини белгиловчи кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланувчи ва қисқа муддатли активлар билан қисқа муддатли мажбуриятларни қоплай олиш имкониятини акс эттирувчи ликвидлилик

коэффициенти ҳисоблаб чиқарилади. Биз таҳлил қилаётган акционерлик жамиятида 2005 йил 1-январ ҳолатига пул маблағлари 194 минг сўмни, тез пулга айланадиган маблағлари 4793 минг сўмни, қисқа муддатли мажбуриятлари 42216 минг сўмни ташкил қилган ҳолатда ликвидлилик коэффициенти 0,12 га тенг бўлмоқда. 2006 йил 1-январ ҳолатига эса пул маблағлари 107 минг сўмни, тез пулга айланадиган маблағлари 25422 минг сўмни, қисқа муддатли мажбуриятлари 44088 минг сўмни ташкил қилган ҳолатда ликвидлилик коэффициенти 0,58 га тенг бўлмоқда. 2007 йил 1-январ ҳолатига пул маблағлари 113 минг сўмни, тез пулга айланадиган маблағлари 25107 минг сўмни, қисқа муддатли мажбуриятлари 28214 минг сўмни ташкил қилган ҳолатда ликвидлилик коэффициенти 0,89 тенг бўлмоқда. Бу ҳолат "Олтинкўл" очик турдаги акционерлик жамиятининг ликвидлилик қобилияти юқори эмаслигидан далолат беради.

1.2.4-жадвал

«Мархамат» очик турдаги акционерлик жамиятининг қоплаш коэффициенти

Йиллар	Пул маблағлари	Тез пулга айланадиган маблағлар	Тез сотилувчи захиралар	Қисқа муддатли мажбуриятлар	Қоплаш коэффициенти
2005	194	4793	80649	42216	2,03
2006	107	25422	54453	44088	1,81
2007	113	25107	41191	28214	2,35

$$K_k = \frac{ПМ + ТПАМ + ТСЗ}{КММ} = \frac{194 + 4793 + 80649}{42216} = \frac{85636}{42216} = 2,03$$

Ликвидлилик коэффициентларини аниқлаш учун фойдаланилган қисқа муддатли активлар қаторига тез пул бўлувчи маблағларни ҳам қўшиб, қисқа муддатли мажбуриятларга нисбатини аниқлаш йўли билан қоплаш коэффициенти ҳисобланади (1.2.4-жадвалга қаранг). Таҳлил қилинаётган акционерлик жамиятида тез сотилувчи захира кўп бўлганлиги учун қоплаш коэффициенти юқори бўлмоқда.

1.2.5-жадвал

«Мархамат» очик турдаги акционерлик жамиятининг мустақиллик (ёки мухторият) коэффиценти (фоиз ҳисобида)

Ўз маблағлари			Жами баланс пассиви					Мустақиллик коэффиценти		
Баланс катори	Кўрсаткичлар			Баланс катори	Кўрсаткичлар			Кўрсаткичлар		
	2005	2006	2007		2005	2006	2007	2005	2006	2007
320	76523	76523	76523	550	137944	141476	131042			
330	-	-	-							
340	-	-	-							
350	16991	18651	24174							
360	2214	2214	-							
370	-	-	-							
380	-	-	-							
Ж:	95728	97338	100697		137944	141476	131042	68,8	68,8	76,8

$$K_{\text{м}} = \frac{УМ}{ЖБП} * 100 = \frac{95728}{137944} * 100 = 69,4$$

Акционерлик жамияти ўз маблағлари суммасини жами баланс пассивига нисбатини аниқлаш йўли билан мухторият коэффиценти ҳисоблаб чиқарилиши 1.2.5-жадвалда акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики таҳлил қилинаётган акционерлик жамиятининг 2005 йил 1-январ ҳолатига ўз маблағлари миқдори 95728 минг сўм, жами баланс пассиви 137944 минг сўмни ташкил қилган ҳолатда мустақиллик коэффиценти 69,4% ни, 2006 йил 1-январ ҳолатига ўз маблағлари миқдори 97338 минг сўм, жами баланс пассиви 141476 минг сўмни ташкил қилган ҳолатда мустақиллик коэффиценти 68,8% ни ва 2007 йил 1-январ ҳолатига ўз маблағлари миқдори 100697 минг сўм, жами баланс пассиви 131042 минг сўмни ташкил қилган ҳолатда мустақиллик коэффиценти 76,8% ни ташкил қилмоқда. Бу таҳлил қилинаётган «Олтинқўл» очик турдаги акционерлик жамиятининг ўз маблағлари миқдори юқорилигидан далолат беради. Мустақиллик коэффицентини аниқлаш орқали корхонанинг ҳамкорларидан (бошқа корхоналардан, банклардан ва ҳоказо) бўлган қарзларининг мвжудлиги ҳолатига баҳо берилади. Корхонанинг қарз маблағлари юқори

бўлиб бориши бу кўрсаткичнинг камайиб боришига сабаб бўлади. Бу эса корхонанинг кредитга лаёқатлилиқ даражасини камайиб боришига сабаб бўлади. Бундан ташқари банклар томонидан қарз олувчиларга кредит маблағлари бошқа банклардан ёки бошқа корхоналардан бўлган қарзларини қоплаш учун берилмайди. Қарз олувчиларни бошқа банклардан қарзлари мавжудлиги аниқланганда бу қарзни келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинади. Лекин қарзни қоплаш учун банкдан кредит ажратилмайди. Юқорида таҳлил қилинаётган «Мархамат» очик турдаги акционерлик жамиятида жамият маблағларининг ташкил топиш манбалари таркибида яъни жами баланс пассиви таркибида ўз маблағлари улуши катта бўлганлиги учун мустақиллик коэффиценти юқори чиқмоқда.

1.2.6-жадвал

«Мархамат» очик турдаги акционерлик жажиматининг ўз айланма маблағларининг материал захираларида тутган салмоғи

Ўз айланма маблағларининг мавжудлиги				Захира ва харажатлар				Ўзлик айланма маблағларининг материал захираларида тутган салмоғи		
Баланс катори	Кўрсаткичлар			Баланс катори	Кўрсаткичлар			Кўрсаткичлар		
	2005	2006	2007		2005	2006	2007	2005	2006	2007
110	52308	61494	64631	120	61335	41954	32109			
390	95728	97388	96593	130	7035	8352	6412			
400	-	-	183	140	6675	3784	586			
410	-	-	710	150	590	363	2084			
				160	5014	-	-			
Ж:	148036	158882	162117		80649	54453	41191	54,5	34,3	25,4

$$K_{\text{МЗС}} = \frac{3X}{УАМ} * 100 = \frac{80649}{148036} * 100 = 54,5$$

Корхона захира ва харажатларини ўз айланма маблағларига нисбатини аниқлаш йўли билан ўз айланма маблағларининг материал захираларида тутган салмоғи коэффиценти аниқланади. Таҳлил қилинаётган «Мархамат» очик турдаги акционерлик жамиятида 2005 йил 1-январ ҳолатига ўз айланма маблағларининг мавжудлиги 148036 минг сўмни, захира ва харажатлар миқдори 80649 минг сўмни ташкил қилган ҳолатда ўз айланма маблағларининг материал захираларида тутган салмоғи 54,5 % ни

ташкил қилмоқда. 2006 йил 1-январ ҳолатига эса ўз айланма маблағларининг мавжудлиги 158882 минг сўмни, захира ва ҳаражатлар миқдори 54453 минг сўмни ташкил қилган ҳолатда ўз айланма маблағларининг материал захираларида тутган салмоғи 34,3 % ни ва 2007 йил 1-январ ҳолатига ўз айланма маблағларнинг мавжудлиги 162117 минг сўмни, захира ва ҳаражатлар миқдори 41191 минг сўмни ташкил қилган ҳолатда ўз айланма маблағларининг материал захираларида тутган салмоғи 25,4 % ни ташкил қилмоқда.

1.2.7-жадвал

Корхоналарнинг молиявий кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари

	1-тоифа	2-тоифа	3-тоифа	4-тоифа
Қоплаш коэффициенти	2 дан ортиқ	$1 < K < 2$	$0,5 < K < 1$	$K < 0,5$
Ликвидлик коэффициенти	1,5 дан ортиқ	1 дан 1,5 гача	$K < 1$	Ликвидлик маблағ йўқ
Мустақ-к к-ти	80 % дан ортиқ	$30\% < K < 80\%$	$K < 30\%$	Ликвидмас маблағ
Баллар	100-150	151-250	251-300	

Юқоридаги 1.2.7-жадвал шаклида келтирилган молиявий кўрсаткичлар мезонлари ёрдамида, молиявий кўрсаткичлар миқдорлари аниқланади.

1.2.8-жадвал

«Мархамат» очик турдаги акционерлик жамиятининг молиявий кўрсаткичлари миқдорлари

Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар миқдори			Тоифаси			Рейтинги		
	2005	2006	2007	2005	2006	2007	2005	2006	2007
Кк	2,03	1,81	2,35	1	2	1	100	92	100
Кл	0,12	0,58	0,89	3	3	3	12	58	89
Км	69,4	68,8	76,8	2	2	2	69,4	68,8	76,8

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Мархамат» очик турдаги акционерлик жамиятининг кредитга лаёқатлилиги 2005, 2006 ва 2007 йилларда 2 тоифага мансуб деб топилди. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, кредит оловчи корхоналар банк томонидан тўрт тоифага бўлинади. Биричи тоифага мансуб корхоналарга ҳеч қандай қўшимча ҳужжатсиз, кредит

шартномаси тузиш орқали ишонч кредити берилиши мумкин. Иккинчи ва учинчи тоифали корхоналар кредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:


1. Мулк гарови ёки кафолат хати.
2. Гаровга қўйилган мулкнинг ўзига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат.
3. Гаровга қўйган мулкни суғурталанганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Юқоридаги ҳужжатлар тақдим қилингандан кейин мижоз билан банк ўртасида гаров шартномаси тузилади. Гаров шартномаси нотариал идоралар томонидан тасдиқланиб, унда қуйидаги шартлар келтирилади:

1. Гаровга қўйилган мулк ва унинг эгасининг номи келтирилиб, мулк қиймати келишилади.
2. Гаров муддати.
3. Гаровга қўйилган мулкнинг қаерда сақланиши.
4. Ундан гаровга қўювчининг фойдаланиш имконияти.
5. Кредит қайтарилмай қолган тақдирда гаровга қўйилган мулк сотилиши мумкинлиги.

Корхоналарда банкдан олинган кредитлар қисқа ва узоқ муддатли банк кредитларига бўлинган ҳолда ҳисобга олиб борилади. Қисқа муддатли банк кредитлари бўйича ҳисоблашишлар ҳисоби 90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" ҳисобварағида юритилади. Янги счётлар режасига асосан эса А.Сотволдиев, Ю.Иткинлар томонидан 6910-"Қисқа муддатли банк кредитлари" ҳисобварағининг кредитида ва 5010-"Миллий валютадаги пул маблағлари", 5020-"Хорижий валютадаги пул маблағлари", 5110-"Ҳисоб-китоб счёти", 5210-"Мамлакат ичидаги валюта счётлар", 5530-"Бошқа махсус счётлар", 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" (жорий қисми), 7010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счётлар" (узоқ муддатли қисми) ва шу каби ҳисобварақларнинг дебетида акс эттирилиши кўрсатилган². Банк кредитларини қайтарилиши суммаларига 6910-"Қисқа муддатли банк

кредитлари" ҳисобварағи дебетланиб, пул маблағлари ҳисобварақларидан бири кредитланади. Бу муомалаларни қуйидагича расм кўринишида акс эттиришимиз мумкин.



1.2.1-расм. Қисқа муддатли банк кредитининг бухгалтерия ҳисоби акс эттирилиши.

Банклардан олинган ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бўйича


ҳисоблашишлар ҳисоби шу кунга қадар амалиётда қўлланиб келаётган 2 хонали счётлар режасига асосан 92-"Узоқ муддатли банк кредитлари" ҳисобварағи орқали амалга оширилар эди.

Бунда банкдан кредит олинганда 92- "Узоқ муддатли банк кредитлари" ҳисобварағининг кредитида ва 50-«Касса», 51 - "Ҳисоб-китоб счёти", 52 - "Валюта счёти", 55 - "Банкдаги махсус счёт", 60 -"Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» ва шу каби ҳисобварақлар дебетида акс эттирилиши кўрсатилган.

Узоқ муддатли банк кредитларини қайтарилиш суммаларига 92-"Узоқ муддатли банк кредитлари" ҳисобварағи дебетланиб, пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларидан бири кредитланади.

Янги счётлар режасига асосан А.Сотволдиев ва Ю.Иткинлар фикрича 7510- "Узоқ муддатли банк кредитлари" ҳисобварағининг кредитида ва 5010- "Миллий валютадаги пул маблағлари", 5020 -"Хорижий валютадаги пул маблағлари", 5110 - "Ҳисоб-китоб счёти", 5210 — "Мамлакат ичидаги валюта счётлари", 5530 - "Бошқа махсус счётлар", 6010 - "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" (жорий қисми), 7010 - "Мол етказиб берувчилар; ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" (узоқ муддатли қисми) ва шу каби ҳисобварақлар дебетида акс эттирилиши кўрсатилган (36). Қайси ҳисобварақнинг дебетланиши кредитнинг қайси кўриилишда берилишига боғлиқ бўлади, яъни нақд пул шаклида бўлса 5010- ҳисобварақ дебетланади, нақд пулсиз ҳисоб китоб шаклида бўлса 5110- ҳисобварақ дебетланади, чет эл валютаси шаклида бўлса -5020 ва 5210- ҳисобварақлардан бири дебетланади ва ҳоказо.

Узоқ муддатли банк кредитларини қайтарилиш суммаларига 7510-"Узоқ муддатли банк кредитлари" ҳисобварағи дебетланиб, пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларидан бири кредитланади.



1.2.2-расм. Узоқ муддатли банк кредитининг бухгалтерия ҳисоби акс этирилиши.

Шунинг учун биз кредитларни берилиш муддати ўртасидаги ва уларга тўланадиган фоизлар ўртасидаги фарқни ҳисобга олиб, корхонада ўрта муддатли кредитларни ҳисобга олиб борувчи алоҳида ҳисобварақ бўлиши зарур деб ҳисоблаймиз ва янги ҳисобварақлар режасига қўшимча равишда ҳисобварақ киритишни таклиф қиламиз. Бу муомалаларни қуйидаги расмда акс эттириш мумкин.

Дт	7810	Кт
Дт 5010 Кт		Дт 5010 Кт
Нақт пул шаклида қайтарилди		Нақт пул шаклида олинди
Дт 5110 Кт		Дт 5110 Кт
Нақт пулсиз ҳисоб-китоб шаклида қайтарилди		Нақт пулсиз ҳисоб-китоб шаклида олинди
Дт 5020 Кт		Дт 5020 Кт
Чет эл валютасида қайтарилди (нақт пул шаклида)		Чет эл валютасида олинди (нақт пул шаклида)
Дт 5210 Кт		Дт 5210 Кт
Чет эл валютасида қайтарилди (Нақт пулсиз ҳисоб-китоб шаклида)		Чет эл валютасида олинди (Нақт пулсиз ҳисоб-китоб шаклида)
		Дт 5530 Кт
		Алоҳида кредит счёти очиш орқали олинди.
		Дт 7010 Кт
		Товар шаклида олинди

1.2.3-расм. Ўрта муддатли банк кредитининг бухгалтерия ҳисоби акс эттирилиши.

Корхоналар ўз хўжалик фаолиятини ташкил қилиш жараёнида турли сабабларга кўра ўз маблағлари шу фаолиятни нормал давом эттириш учун уларнинг эҳтиёжларини қондирмай қолиши мумкин. Бундай пайтларда корхоналар банк кредитларидан фойдаланадилар. Корхоналарнинг айланма маблағларини ҳосил қилишда кредитлар жуда катта аҳамиятга эга. Айрим корхоналарда товар моддий бойликлар захираларининг 50% гача қисми банк кредитлари ҳисобидан ташкил топади. Шундай экан банк кредитларини ўз вақтида ва тўғри етказиб берилиши корхонага ривожланиш истиқболлини очиб беради. Корхона банкдан кредит олиш учун кредит олиш тўғрисидаги ариза билан банкка мурожаат қилиши зарур. Аризага амалдаги тартиб бўйича охириги чорак ҳисоботи (бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, пул оқимлари ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот) маълумотлари илова қилиниши керак. Янги ташкил қилинаётган корхонада ҳали фаолият кўрсатмаётганлиги учун ҳисобот маълумотлари ҳам мавжуд эмас.

Демак, амалдаги тартиб бўйича бундай корхоналарни кредитлаш имконияти мавжуд эмас. Лекин юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, корхоналарда кредитга бўлган эҳтиёж янги фаолият бошлаётган даврда ҳам вужудга келиши мумкин. Чунки, бу фаолиятни нормал ташкил қилиш учун ўз маблағлари етарли бўлмаслиги мумкин. Республикамиз маҳаллий бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, сифатли маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳамда экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги фаолият бошлаётган корхоналарга нормал фаолият бошлаш учун имкониятлар яратилиши зарур. Шундай экан бундай корхоналарни ҳам кредитлаш имкониятлари кенгайтирилиши таъминланиши керак деб ҳисоблаймиз ва қуйидаги тартибда кредитлашни таклиф қиламиз.

Молиявий ҳолати барқарор бўлмаган, кўрсаткичлари белгиланган талабларга мос келмайдиган корхоналарни кредитлашда уларни мавжуд мулкларидан ёки уларни кафолатловчи вазифасини бажарувчи корхоналар

имкониятларидан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Бунда қарз олувчига алоҳида кредит ҳисобварағи очиш ва ҳар бир сарфланаётган маблағ устидан назорат қилиш орқали кредит ресурслари билан таъминлаш мумкин. Банкдаи кредит олинганда Ф.Ғ. Ғуломова² фикрича 51- "ҳисоб-китоб" счёти дебетланиб, 90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" ёки 92-"Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари" счётларидан бирининг кредитида ҳисобга олиниши кўрсатилган.

Ушбу фикр И.Қ. Қажумов, К.Алиев, А.Ҳакимовлар³ томонидан ҳам такрорланган. А.Сотиволдиев, Ю.Иткинларнинг⁴ асарларида эса янги счётлар режаси асосида 5110- "ҳисоб-китоб" счётининг дебетида, 6910- "Банк ларнинг қисқа муддатли кредитлари" ёки 7510-"Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари" счётларидан бирининг кредитида акс эттирилиши кўрсатилган. Ушбу фикрларни янада аниқроқ кўриниши учун қуйида шакли келтирилган 1.2.9-жадвал шаклида акс эттирамыз.

1.2.9-жадвал

Банк кредитларини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олишнинг мавжуд адабиётларда келтирилган йўли

№	Муомала мазмуни	Амалдаги счётлар режасига асосан бухгалтерия ёзувлари		Янги счётлар режасига асосан бухгалтерия ёзувлари	
		Дт	Дт	Кт	Кт
1.	Қисқа муддатли банк кредити олинди	51	90	5110	6910
2.	Узоқ муддатли банк кредити олинди	51	92	5110	7510

Ушбу муомалаларни амалиётга тадбиқ этсак, олинаётган банк кредитлари 51- "Ҳисоб-китоб счёти" дебетида кўриниб, кредит орқали 60- "Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" счётининг дебетига ўтказилиши керак бўлади. 51- "Ҳисоб-китоб счёти"дан сарфланадиган маблағларга нисбатан банк фоиз олишини ва-51- "Ҳисоб-китоб счёти"га келиб тушаётган маблағларга нисбатан қўшилган қиймат

² Ф. Ғуломова "Бухгалтерия ҳисоби бўйича амалий қулланма" Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси", нашриёт уйи, 1999 й, 58 б.

солиғи ҳисобланишини ҳисобга олсак, гоқоридаги муомалаларни амалдаги ҳолатни тўғри ифодалай олмаётганлигини кўришимиз мумкин. Чунки, ҳозирги кунда амалиётда олинган банк кредитига нисбатан қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобланмайди, банк сарфланган маблағга нисбатан фоиз ҳам ҳисобламайди.

Ҳозирги кунда амалиётда банк кредити "Ҳисоб-китоб счёти"да эмас, балки, махсус кредит счёти очиш орқали берилади. Шунинг учун биз кредит муомалаларини қуйидагича ҳисобга олинишини таклиф қиламиз.

1.2.10-жадвал

Банк кредитларини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олишнинг таклиф қилинаётган йўли.

№	Муомала мазмуни	Амалдаги счётлар режасига асосан бухгалтерия ёзувлари		Янги счётлар режасига асосан бухгалтерия ёзувлари	
		Дт	Дт	Кт	Кт
1.	Қисқа муддатли банк кредити олинди	55	90	5530	6910
2.	Узоқ муддатли банк кредити олинди	55	92	5530	7510
3.	Кредит ҳисобидан маҳсулот сотиб олинди	60	55	6010; 7010	5530

Кредит муомалаларини махсус счёт орқали ҳисобга олиб борилиши кредит муомалалари бўйича маълумотларни доимий равишда кузатиб бориш имкониятини оширади, яъни банкдан қанча кредит олинган, қанча қисми қайтарилган ва ҳоказо. Бундан ташқари, кредитдан мақсадли фойдаланилмаётганлиги ёки бизнес-режада қўзланган натижага эришилмаётганлиги аниқланса, кредит ресурсларини ишлатилмаган қисмини олдиндан қайтариб олиш имконияти мавжуд бўлади.

1.3. Тўқимачилик корхоналарида кредит операциялари аудитининг ташкилий тамойиллари ва ўтказиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб 1992 йилда "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди ва олий маълумотли, бухгалтерия ҳисоби ва назорати соҳасидаги иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган мутахассислардан аудиторлар тайёрлаш марказини ташкил этди. Аудит тушунчаси мазмунига "текшириш, тафтиш ва хўжалик фаолиятининг таҳлили" киради. Аудит бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда сўнгги йиллар мобайнида 3 даражага мос келадиган ривожланиш босқичидан ўтди.

Биринчи босқич - бу тасдиқловчи аудит бўлиб, бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоботларининг ишончлилигини тасдиқлайди.

Иккинчи босқич - тизимли ёндашув аудити. Бу босқичнинг хатоликлардан огоҳлантириш орқали корхонани бошқариш тизими сифатини ошириб, ҳисоботлардаги маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш учун ички назорат тизимини юзага келтириш билан сифатли аудит учун негиз яратади. Бу тизимда аудит текширишларга тайёргарликдан бошлаб аудит хулосасигача бўлган ишлар шаклланади.

Учинчи босқич - бунда келгусида кутилиши мумкин бўлган хавфдан текширишлар ва маслаҳатлар орқали огоҳлантириб, иш бошқарувчи ёки тадбиркорни сифатли ва самарали ишлашига йўл очишдир. Аудитор таваккалчилиги баъзида аудит фирмаси учун ҳамда мижоз учун қимматга тушиши мумкин. Чунки мижоз нотўғри берилган маслаҳат эвазига миллионлаб сўм жарима тўлаши, аудит фирмаси эса ўз мавқеини йўқотиши мумкин. Мулкдорлар манфаатлари таъминлашда бухгалтерия ҳисобининг ишончлилиги, корхона фаолияти натижаларининг ҳисоботда тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Барча ижтимоий-иқтисодий вазиятда ҳисобнинг аниқ ва ишончли фаолиятлари, жумладан, субъектларининг давлат олдидаги солиқ ва бошқа белгиланган тўловлар бўйича ва мулкдорлар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши

устидан назорат қилишнинг зарур шarti ҳисобланади.

Аудиторлик хизмати назоратдан фарқ қилиб, мустақил бирон-бир вазирлик ёки юқори идора, сиёсий партия ва ижтимоий ташкилотларга ҳисобот бермайди. Корхона, фирма эгалари, давлат органлари, аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ишончилигини таъминлашдаги ўзаро манфаатдорлиги мазкур назоратнинг дастлабки ва асосий шarti ҳисобланади.

Аудиторлик хулосаси. Махфий хусусиятга эга бўлган аудиторлик текшируви натижалари аудиторлик хулосаси билан якунланди. У корхона раҳбарига топширилиб, унинг рухсатисиз ошкор қилинмаслиги керак. Йиллик ҳисоботда корхона фаолиятининг якунлари тўғри қайд этилганлиги тўғрисида текшириш натижалари баён қилинади. Аудиторлик хулосасида келтирилган маълумотларнинг тўғрилигига аудиторлик хулосасини имзолаган шахслар жавобгар ҳисобланади. Агар бошқа текширувлар даврида аудиторлик хулосасида кўрсатилмаган камчиликлар мавжудлиги аниқланса, ушбу ҳолат юзасидан аудиторлик хулосасини имзолаган аудитор жавобгар ҳисобланади.

1.3.11-жадвал

Аудитнинг фаолият турлари

Маслаҳат бериш (консалтинг)	Текширишлар	Ҳисобни юритиш ва ҳисобот	Мулкни баҳолаш
- ҳисоб, - солиққа тортиш, - ҳуқуқий, - ташкил қилиш, - техник, - турли иқтисодий, - экологик масалалар.	- ҳисоботлар - ҳисобнинг аҳволи - моддий товар қийматликларининг сақланиш аҳволи - назоратнинг аҳволи	- ҳисобни йўлга қуйишнинг илғор услубларини жорий қилиш - ҳисобот ва декларация - доимий ҳисобот юритиш ва уни тузиш	- Хусусийлаштиришда - Мулк бўлинганида ёки корхоналар бирлашганда - Корхоналар синганда - Мерос қилиб берилганда
	Таҳлил, истиқболни белгилаш ва тавсиялар тайёрлаш		

Мамлакатимизда ўзига хос йўл билан бозор иқтисодиётига ўти-лаётганда ва ўтилгандан сўнг ҳам корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат органларининг аралашуви камайиб боради. Бу дегани корхоналарнинг мулкӣ муносабатлари ва рақобат бардошлиги юзасидан масъулияти

уларнинг ўзларига тушди. Шундай экан, давлат билан корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар солиқлар ва мажбурий йиғимларни тўлаш, мажбуриятларни бажариш билан тартибга солинади. Шундай экан, аудиторларнинг биринчи бурчи улар ҳақидаги қонун ва ҳукумат қарорларини чуқур ўрганиш асосида корхонада қонун ва қарорларга риоя қилинишини кўриш учун масъуллигидир.

- Корхонада ҳисоб - китоб ва кредит операциялари бўйича тўлов, ҳисоб - китоб ишларининг яхши ташкил қилиниши, аввало, хўжаликда молиявий аҳволининг яхшиланишига, алоҳида бўлган бошқа корхона ва ташкилотларнинг бир меъёрга ишлашига, умуман олганда, мамлакатимизда товар - пул муомала жараёнининг яхши уюштирилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ҳисоб - китоб ва кредит бўйича хўжалик операцияларининг аудиторлик текширувдан ўтказишда назоратчилар олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

- Иқтисодий алоқада бўлган корхоналар билан иш юритишнинг қонунийлиги;
- Иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги;
- Шу иқтисодий алоқаларнинг реал бўлиши, тўлов ҳисоб - китоби интизомига риоя қилиниши, корхона ўзи ва ўзгалар маблағларидан рационал фойдаланиши масалалари текширилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан ҳамда уларни бартараф қилишга доир тадбирларни белгилаш лозим.

Акционерлик жамиятлари ҳар йили йил якунига кўра аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт. Бунга сабаб акционерлик жамияти ҳолис ҳисобланган аудиторлар томонидан текширилиши ва улар фаолиятига ҳолисона баҳо берилишидир. Яъни, бухгалтерия ҳисоботларининг тўғрилиги, фойдани тўғри ҳисобланганлиги ва фойдага нисбатан дивидендларини тўғри ҳисобланганлиги устидан назорат олиб боришдан иборат. Бизнинг фикримизча худди шу аудиторлик текшируви даврида

акционерлик жамияти банк кредитларидан фойдаланган ҳолда фаолият юритган бўлса, аудиторнинг иш режасига кредит операциялари устидан назорат олиб борилишини киритиш керак деб ҳисоблаймиз. Бунда аудитор биринчи навбатда нима мақсадда банк кредити олинганлигини ҳамда унинг миқдорини аниқлаши керак бўлади. Бунда аудитор банк билан мижоз ўртасидаги тузилган кредит шартномасини, акционерлик жамияти томонидан тузилган бизнес режани ва банкни тўлов ҳужжати кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Кредитни нима мақсадда олинганлиги ва унинг миқдори аниқлангандан кейин кредитдан мақсадли фойдаланганлиги текширилади. Кредитдан мақсадли фойдаланганлигини текширишда аудитор олинган кредитларни сарфланиш устидан назорат қилиши яъни корхонанинг тўлов ҳужжатларини текшириши керак. Сўнгра, кредитдан фойдаланиш натижасида кўзланган натижага эриша олиши, яъни бизнес режада кўрсатилган фойдани олинаётганлиги аниқланади. Бунда сарфланган маблағга нисбатан олинган фойдани бизнес режада кўрсатилган фойдага солиштириш орқали текширув амалга оширилади. Бизнинг фикримизча акционерлик жамияти аудиторлик текширувдан ўтказилаётганда текширилаётган даврда банк кредитидан фойдаланилганлигига алоҳида эътибор қаратиш керак деб ҳисоблаймиз. Агар банк кредитидан фойдаланган бўлса, текширув дастурига кредит ресурслари билан таъминланиши, кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланиш ва кредитларни қайтарилиши аудитларини ўтказиш киритилиши керак деб ҳисоблаймиз.

2-БОБ. ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА БАНК КРЕДИТЛАРИ ҲИСОБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари бўйича операциялар ҳисобини ҳужжатлаштириш ва уни такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини амалга оширишда маҳаллий шароитни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос бўлган янги йўл танланди. Мулкчиликнинг барча шаклларига тенг шароит яратиш, рақобат муҳитини шакллантириш амалга оширилаётган ислохотларнинг энг асосий йўналишларидандир. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, миллий валютаимизнинг қадрини ошириш, ички бозоримизни ҳам нархи бўйича, ҳам сифати бўйича мақбул бўлган маҳаллий товарлар билан тўлдириш ислохотларнинг иқтисодий соҳадаги асосий мақсадларидандир. Бу мақсадга эришиш учун бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Амалга оширилган тадбирларнинг натижаси сифатида халқ хўжалигининг саноат, қурилиш, маиший хизмат соҳаларидаги деярли барча корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилди. Давлат тасарруфидан чиқаришда турли хил суистеъмолчиликларни олдини олиш мақсадида бу жараён босқичма-босқич амалга оширилди. Биринчи босқичда асосан маиший хизмат, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилган бўлса, кейинги босқичда саноат объектлари ҳам давлат тасарруфидан чиқарилиши бошланди.

Натижада, ҳозирги кунга келиб республикамызда фаолият юритаётган кўплаб корхона ва ташкилотлар акционерлик жамиятлари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ушбу фикрларни биз қуйидаги жадвал маълумотлари асосида янада яққолроқ акс эттиришимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикасида 2000-2007 йилларда корхоналар
мулкчилик шакллари бўйича ўзгариш сони⁶⁵

Йиллар ва даврлар	Жами	Шу жумладан		Бошқалар
		Хусусийлаш- тирилган ^{7 6}	Хиссдорлик жамиятларига айлантирилган	
2000й	8537	7511	1026	-
2001й	1915	658	1257	-
2002й	1231	443	788	-
2003й	451	103	110	238
2004й	374	103	152	119
2005й	448	156	141	151
1-чорак	144	40	46	58
2-чорак	119	47	40	32
3-чорак	103	42	25	16
4-чорак	82	27	30	25
2006				
1-чорак	52	21	20	11
2-чорак	61	28	23	10
3-чорак	76	14	47	15
4-чорак	185	40	64	81
2007				
1-чорак	225	123	28	74

Юқорида келтирилган 2.1.11-жадвалда 2000-2007 йилларда республикамызда фаолият юритаётган корхоналарнинг мулкчилик шакллариинг ўзгариши кўрсатилган. 2000 йили Республика бўйича жами 8537 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилиб, улардан 1026 таси Тўқимачилик корхоналарига айлантирилган. Бу ҳолат 2001 йили 1915 тадан 1257 тани 2002 йили 1231 тадан 788 тани, 2004 йили 451 тадан 110 тани, 448 тадан 151 тани, 2005 йилда 374 тадан 152 тани, 2007 йил биринчи чоракда 225 тадан 28 тани ташкил қилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ҳозирги кунда республикамызда фаолият кўрсатаётган корхоналар ичида акционерлик жамиятлари салмоқли ўринни ташкил қилади.

⁵ Маноа: Ўзбекистон нқтисодий нўналишлари чораклик шарҳи. 2001 йил 1-чорак.

⁶ Хусусийлаштиришнинг барча турларшш ўз ичига олади (акциялар сотилиши, мулкка эгалик қилишнинг ишчиларга ёки бошқа мулкдорларга ўтиши).

2.1.13-жадвал

Ўзбекистон Республикасида корхоналар мулкчилиги шакллари
худудий ўзгариши, %

Вилоятлар	1999 2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008 1-ч.
Қорақалпоғистон Республикаси	4,5	5,1	5,6	8,2	7,1	25,3	2,4	8,8	6,7
Андижон	8,4	8,3	16,6	5,8	6,6	3,1	4,7	9,9	4,9
Бухоро	6,2	5,0	1,7	5,9	7,1	5,1	4,7	6,7	6,7
Жиззах	2,9	3,6	2,6	4,9	4,9	8,9	2,7	8,0	4,4
Қашқадарё	7,5	6,9	9,0	6,0	11,2	11,5	12,9	9,4	7,1
Навоий	2,1	2,6	1,7	3,7	3,2	3,5	8,0	6,7	4,4
Наманган	7,6	6,3	7,1	5,6	6,1	7,4	5,8	5,1	6,2
Самарқанд	11,1	8,2	13,3	13,1	11,5	5,1	6,7	4,8	4,9
Сурхондарё	9,1	6,8	1,9	6,4	8,1	3,5	7,8	5,3	3,6
Сирдарё	2,7	3,6	3,3	3,6	4,3	1,5	12,9	6,4	4,0
Тошкент	10,5	10,6	4,1	9,9	7,0	6,9	6,0	5,3	5,8
Фарғона	13,5	7,7	18,3	9,8	5,1	4,0	5,8	6,1	13,3
Хоразм	4,8	4,6	6,4	4,7	5,4	3,3	2,2	4,3	11,1
Тошкент шаҳри	7,9	20,6	12,0	12,3	11,9	11,8	17,2	13,1	8,9
Республика бўйича	100. 5390	100. 9744	100. 8584	100. 1915	100. 1231	100. 451	100. 448	100. 374	100.225

Юқорида келтирилган 2.1.13-жадвалда Республика бўйича мулкчилик шакллари ўзгаришининг вилоятларга тўғри келиш миқдор фоиз ҳисобида кўрсатилган. 1999-2000 йилларда Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида мулкчилик шакллари ўзгариши юқори бўлган. Бу ҳолат 2001 йили Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида, 2002 йили Фарғона ва Андижон вилоятларида, 2003 йили Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида, 2004 йили Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятида, 2005 йили Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида, 2006 йили Тошкент шаҳри ва Қашқадарё ҳамда Сирдарё вилоятларида, 2007 йили Тошкент шаҳри ва Андижон вилоятида, 2008 йилнинг биринчи чорагида Фарғона ва Хоразм вилоятларида юқори бўлган. Акционерлик жамиятларини тузиш ва фаолиятни ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Акционерлик жамиятлари ва акционерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида ифодаланган. (1996 йил 26 апрель).(8).

Акционерлик жамиятларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари охири

йилларда чоп этилган қатор адабиётларда кўриб чиқилган (26). В.Беганов, Д.Шаулов, У.Канларнинг «Тўқимачилик корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари» қўлланмасида ва Ф.Отахонов «Акционерлик жамиятлари: саволлар ва жавоблар» асарида кенг ва батафсил фикр юритилган.

Акционерлик жамияти - бу жисмоний ва ҳуқуқий шахслар капиталларнинг бирлашуви бўлиб, у акциялар чиқариш йўли билан ташкил қилинади.

Жамият жамланган капиталига қараб махсус қимматли қоғоз - акция чиқаради. Акцияни сотиб олганлар ҳиссадорларга айланадилар ва фойдадан ўз ҳиссаси - дивидендни олиб турадилар. Акционерлик жамияти ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бутун мол-мулк билан жавобгар ҳисобланади. Акционерлар жамият мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун фақат ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида таваккал қилади. Акционерлик жамиятининг устав фонди акционерлар сотиб олган акцияларнинг номинал қийматларидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим. Акция бўлинмас ҳисобланади.

Акционерлик жамиятини таъсис этишда унинг барча акциялари таъсисчилар орасида тарқатилиши керак.

Акциялар фонд биржаларида муомалада бўлади - бир шахсдан иккинчисига эркин ўтади. Акциядорлик жамиятини:

- Акциядорларнинг умумий мажлиси;
- кузатув кенгаши;
- ижро органи бошқаради.

Акционерларнинг умумий мажлиси олий бошқарув органи ҳисобланади. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, у Акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Акционерлик жамиятининг кузатув кенгаши жамият

фаолиятига умўмий раҳбарликни амалга оширади. Акционерлик жамиялари молиявий хўжалик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборотларга қизиқувчилар гуруҳи мавжуд. Улар тўғрисидаги маълумотлар 4-иловада келтирилган.

Акционерлик жамиятининг жорий (кундалик) фаолиятига ягона ижро органи (директор) ёки коллегиял (маслаҳат) ижро органи (бошқарув, дирекция) раҳбарлик қилиши мумкин.

Акционерлик жамиятларининг мулки акционерлар мулки бўлиб ҳисобланади. Акциядорлик жамияти ўз фаолияти давомида айланма маблағлари ётишмаслиги натижасида банк кредитларидан фойдаланиши мумкин. Банкдан кредит олинishiда эса акционерлик жамиятга, яъни моҳияти бўйича акционерларга тегишли бўлган мол-мулклар гаровга қўйилади.

Кредитдан фойдаланиш натижасида акционерлик жамияти олган фойдаси дивиденд тариқасида акционерлар орасида тақсимланади. (Тўқимачилик корхоналарида дивиденд тўловлари билан боғлиқ бухгалтерия ёзувлари 2-иловада келтирилган). Зарар кўрилган тақдирда ёки кредитни ўз вақтида қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, гаровга қўйилган мулк яъни акционерлар мулки олиган кредит ва кредит фоизи сифатида кредит берувчи ташкилот, яъни банкка тўлаб берилади. Демак акционерлик жамияти олган кредитдан тўғри фойдаланмаслиги ёки фойдалана олмаслиги натижасида кўрилган зарар акционерларнинг ҳам зарари бўлиб ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланиш давридаги хусусияти хўжалик субъектининг қайси тармоққа таалукли эканлигига боғлиқ. Мавсумий тармоқлар (қишлоқ хўжалиги, тайёрлов, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар) да айланма маблағларнинг айланиши бир текисда кечмайди. Чунки, бу тармоқларга айланма маблағларга бўлган эҳтиёж йилнинг фаслига, мавсумига қараб турлича бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалигида қиш фаслида айланма маблағларга бўлган

талаб камайиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ва шунга ўхшаш бошқа тармоқларда айланма маблағларга бўлган талаб банк кредитини жалб қилиш йўли билан қопланиши мумкин.

Мавсум билан боғлиқ бўлмаган тармоқлар (саноат, савдо, таъминот ва бошқалар)да айланма маблағларнинг айланиши (маҳсулот сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини амалга ошириш) бир маромда кечиши мумкин. Шунга қарамасдан, номавсумий тармоқларда ҳам материалларнинг мол етказиб берувчидан келиб тушишида, товар ортиқча ёки кам келиб тушганда, тайёр маҳсулотни сотиш жараёни кечикканда ва бошқа ҳолатларда айланма маблағларга бўлган талаб банк кредити ҳисобига қопланиши мумкин.

Корхона ва ташкилотлар ўзида мавжуд захира ва харажатлар суммасини хомчўт қилиш асосида ўтган даврда мавжуд маблағлар ва кутилаётган тушумларни ҳисоб-китоб қилиш йўли билан кредитга бўлган талабни аниқлайдилар.

Хўжалик субъектларининг айланма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан ташкил қилинади:

1. Корхонанинг ўз айланма маблағлари;
2. Банк кредитлари;
3. Кредиторлик қарзлари;
4. Бошқа манбалар.

Хўжалик субъектлари ишлаб чиқариш ва товарларни сотиш жараёнини нормал олиб бориш учун товар-моддий бойликлар ва ишлаб чиқариш харажатларининг минимал миқдорида ўз айланма маблағларига эга бўлиши керак.

Корхонанинг ўз айланма маблағлари унинг капиталида ўз ифодасини топади. Устав капитали фойда ҳисобидан ёки қўшимча акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан кўпайтириб борилади 1-илова. Корхонанинг ўз

капиталининг миқдори қанча юқори бўлса, унинг фаолияти шунчалик бошқа кредиторларга боғлиқ бўлмайди, яъни ўз айланма маблағларининг юқори салмоғи корхонанинг молиявий жиҳатдан мустақиллигидан далолат беради.

Айланма маблағларнинг иккинчи манбаси банк кредити ва бошқа қарз маблағлари ҳисобланади. Корхонанинг нормал фаолиятини олиб бориши учун ўз айланма маблағлари етарли бўлмаса, оборотга қисқа муддатли банк кредитлари жалб қилиниши мумкин.

2.1.14-жадвал

«Мархамат» очик турдаги акционерлик жамияти ва «Ташкяйтекстиль» қўшма корхонасининг айланма маблағларининг ташкил топиш манбалари

(минг сўмда)

№	Манбалар	Мархамат			Ташкяйтекстиль		
		2005	2006	2007	2005	2006	2007
1	Ўз айланма маблағлари	95728	97388	96593	306948	315439	329541
2	Банк кредитлари	2391	9201	-	8907	11403	19501
3	Кредитор қарзлар	36817	33957	25659	18808	16115	13493
4	Бошқа манбалар	3008	930	1845	63612	113625	181800
	Жами:	137944	141476	124097	398275	456582	544335

Жадвал маълумотидан кўриниб турибдики «Мархамат» очик турдаги акционерлик жамиятида 2005 йил 1-январ ҳолатига жами айланма маблағлари 137944 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, ўз айланма маблағлари 95728 минг сўмни, банк кредитлари 2391 минг сўмни, кредиторлик қарзлари 36817 минг сўмни ва бошқа манбалар 3008 минг сўмни ташкил қилмоқда. 2006 йил 1-январ ҳолатига эса жами айланма маблағлари 141476 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, ўз айланма маблағлари 97388 минг сўмни, банк кредитлари 9201 минг сўмни, кредиторлик қарзлари 33957 минг сўмни ва бошқа манбалар 930 минг сўмни ва 2007 йил 1-январ ҳолатига жами айланма маблағлари 124097 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, ўз айланма маблағлари 96593 минг сўмни, кредиторлик қарзлари 25659 минг сўмни ва бошқа

манбалар 1845 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Кўриниб турибдики жами айланма маблағлари таркибида барча йиллар бўйича ўз айланма маблағларининг улуши юқори бўлмоқда, бу ҳолат корхонанинг молиявий аҳволи ижобийлигидан далолат беради.

Юқорида келтирилган жадвалда «Мархамат» очик турдаги акционерлик жамиятидан ташқари «Ташкяатекстиль» кўшма корхонаси айланма маблағларининг манбалари ҳам келтирилган. «Ташкяатекстиль» кўшма корхонасида 2005 йил 1-январ ҳолатига жами айланма маблағлари 398275 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, ўз - айланма маблағлари 306948 минг сўмни, банк кредитлари 8907 минг сўмни, кредиторлик қарзлари 18808 минг сўмни ва бошқа манбалар 63612 минг сўмни ташкил қилмоқда. 2006 йил 1-январ ҳолатига эса жами айланма маблағлари 456582 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, ўз айланма маблағлари 315439 минг сўмни банк кредитлари 11403 минг сўмни, кредиторлик қарзлари 16115 минг сўмни ва бошқа манбалар 113625 минг сўмни ва 2007 йил 1-январ ҳолатига жами айланма маблағлари 544335 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, ўз айланма маблағлари 329541 минг сўмни. банк кредитлари 19501 минг сўмни, кредиторлик қарзлари 13493 минг сўмни ва бошқа манбалар 181800 минг сўмни ташкил қилмоқда. Кўриниб турибдики жами айланма маблағлари таркибида барча йиллар бўйича ўз айланма маблағларининг улуши юқори бўлмоқда, бу ҳолат корхонанинг молиявий аҳволи ижобийлигидан далолат беради.

Корхоналарнинг молиявий аҳволи ижобий бўлса, у ўз вақтида банк кредитини тўлаши, мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилиши, иш ҳақини тўлаши, бюджетга тўловларни ўз вақтида амалга ошириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда айланма маблағлар хўжалик субъектларининг фаолиятининг асоси бўлиб, шу жумладан Тўқимачилик корхоналарида ҳам , банк томонидан бериладиган кредитларнинг аксарият қисми айланма маблағларга йўналтирилади. Шу туфайли ҳар бир акционерлик жамияти ва бошқа хўжалик субъектлар айланма маблағларини тўғри ташкил қилмоғи,

улардан фойдаланишда самарадорликка эришмоғи лозим. Тўқимачилик корхоналарида банк кредитларидан тўғри фойдаланмаслик натижасида кўрилган зарар акционерлик жамият мулки, яъни акционерлар улуши ёки акционерлик жамият фойдаси яъни акционерларга тегиши мумкин бўлган дивиденд (улуш) Ҳисобидан қопланди. Ўз навбатида кредитдан самарали фойдаланиш натижасида олинган фойда ҳам акционерлар ўртасида дивиденд тариқасида тақсимланади 2-илова. Шундай экан, Тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари ҳисобини тўғри юритилиши акционерлар учун ҳам катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда Тўқимачилик корхоналарида банк кредитларини ҳисобга олувчи 2 та ҳисобварақ мавжуд. Улар 90-«Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари» ва 92- «Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари» ҳисобварақларидир. Банк кредитларини берилиш муддатига кўра 3-хиллигини ҳисобга олиб 91-«Банкларнинг ўрта муддатли кредитлари» ҳисобварағи юритишни 1.2-параграфда таклиф қилган эдик.

90-«Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари» ҳисобварағида мамлакат ҳудудидаги ва чет элдаги банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар ҳисоб-китоблари амалга оширилади. Унда субсчётлар кредит тури бўйича очилади. 90-счёт балансга нисбатан пассив ҳисобланиб, кредит томонида банкдан олинган қисқа муддатли қарзлар, дебетида эса қисқа муддатли қарзларнинг қайтарилиши ҳисобга олинади, қолдиқ кредитида қолади. Унинг аналитик ҳисоби олинган қарзлар турлари бўйича 38-қайдномада, синтетик ҳисоби эса 4-журиал ордерда юритилади.

92- «Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари» ҳисобварағида эса давлатимиз ва чет эл валютасида олинган узоқ муддатли кредитлар бўғшча банклар билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Унда узоқ муддатли кредитларнинг турлари бўйича субсчётлар очилади.

92-ҳисобварақ балансга нисбатан пассив ҳисобланиб, унинг кредит томонида банкдан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича тўланган суммалар, дебет томонида эса бу қарзларнинг қопланиши ҳисобга

олинади, қолдиқ кредит томонида қолади. Бу счётнинг аналитик ҳисоби узоқ муддатли кредитларнинг турлари бўйича 38- қайдномада, синтетик ҳисоби эса 4-журнал ордерда юритилади. Корхоналарда ўрта муддатли кредитларни ҳисобга олувчи счёт мавжуд бўлмаганлиги учун, бу кредитлар ҳисоби ҳозирги кунда узоқ муддатли кредитларга қўшиб олиб борилади. Яъни, 1 йилдан ортиқ муддатга олинган кредитлар 92- «Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари» счётида ҳисобга олиб борилади. Лекин ўрта ва узоқ муддатли кредитларни алоҳида ҳисобга олиш керак деб ўйлаймиз. Шунинг учун, биз юқоридаги 91-«Банкларнинг ўрта муддатли кредитлари» счётини таклиф сифатида киритган эдик. Амалиётга тадбиқ этилиши кўзда тутилган янги счётлар режасига асосан эса 91- ҳисобварак банд бўлганлиги сабабли, 7810 рақами билан белгилаб олиншини таклиф қиламиз. 91-«Банкларнинг ўрта муддатли кредитлари» счётида давлатимиз ҳудудида жойлашган ва чет эл банкларидан олинган ўрта муддатли кредитлар бўйича банклар билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олиб борилиши кўзда тутилган. Унда ўрта муддатли кредитлар турлари бўйича субсчётлар очилиши мумкин. 91 - счёт балансга нисбатан пассив ҳисобланиб, унинг кредит томонида банкдан олинган ўрта муддатли кредитлар бўйича тўланган суммалар, дебет томонида эса бу қарзларнинг қопланиши ҳисобга олинади, қолдиқ кредит томонида қолади. Бу счётнинг аналитик ҳисоби ўрта - муддатли кредитларнинг турлари бўйича 38-қайдномада, синтетик ҳисоби эса 4-журнал ордерда юритилади (Қискартирилган ҳолда келтирилди). Қуйида бу ҳолатни «Марҳамат» очиқ турдаги акционерлик жамияти мисолида кўриб чиқамиз.

2.1.15-жадвал

«Мархамат» очик турдаги акционерлик жамиятининг 2005 йил 1- январь ҳолатига 90-«Қисқа муддатли банк кредитлари» счёти кредити бўйича муомалалар мазмуни

Ой бошига қолдиқ - сум							
Т/р	Сана	Муомала мазмуни	Дебитланувчи счётлар				
			50	51	52	55	60
1	2004й 16.12.	Пахта тайёрланган иш учун тўлов					24700000
2	2004й 18.12.	Мазут ва нефть чиқиндиси учун тўлов					1800000
3	2004й 21.12.	Химикатлар, ва бўёқлар учун тўлов					3500000
		Жами:					30000000
Ой охирига қолдиқ - 30 000 000							

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, «Мархамат» очик турдаги акционерлик жамияти 2005 йил 1- январь ҳолатига банкдан 30 000 000 сўм кредит олган. Олинган кредит тўғридан-тўғри мол етказиб берувчилар счётига ўтказилган. Яъни, «Мархамат» акционерлик жамияти тузган шартномага асосан, унга мол етказиб берувчи корхоналарга маҳсулот олиш учун ўтказилган. Бу муомала 4-журнал ордерда ўз аксини топган.

2.1.16-жадвал

90 счёт бўйича аналитик маълумотлар (38-қайднома)

Ой бошига қолдиқ - 30 000 000					
Т/р	Сана	Муомала мазмуни	Кредитланувчи счётлар		
			50	51	55
1	2006й 20.01	Ҳисоб рақамидан кредитни қисман қайтариш учун маблағ ўтказилди.	---	4 000 000	---
		Жами:	---	4 000 000	---
Ой охирига қолдиқ - 26 000 000					

Банк кўчирмасига асосан 90-счётнинг дебет суммаси - 4 000 000 сўм, 90 счёт бўйича ой охирига қолдиқ - 26 000 000 сўм. 4 – журнал ордернинг 90 - счёт бўйича аналитик ҳисоби 38 - қайдномада кўрсатилган. Хулоса қилиб, шуни айтишимиз мумкинки, 4-журнал ордерда ва 38-

қайдномада банк кредити бўйича муомалалар счётларда акс эттирилиш орқалигина келтирилган. Бу эса, ўз навбатида банк кредитидан фойдаланиш устидан назоратни қийинлаштиради. Акционерлик жамияти эса, юқорида айтиб ўтганимиздек, акционерлар маблағлари ҳисобига ташкил қилинган. Шунинг учун, акционерлик жамиятида акционерларга тегишли мулкни гаровга қўйиш орқали олинган банк кредитидан фойдаланиш устидан назорат олиб боришга имконият бўлиши керак деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун эса банк кредитлари ҳисоби барчага тушунарли тарзда ҳисобга олиб борилиши керак. Маълумки, акционерлик жамиятлари мамлакатимизда асосан очик турдаги акционерлик жамияти сифатида фаолият олиб бормоқда. Бунда ёпиқ турдаги акционерлик жамиятидан фарқли равишда, жамият акцияларини бир шахсдан бошқасига ўтишида бошқа акционерларнинг розилиги талаб қилинмайди, яъни акционерлар қаторида иқтисод соҳасидаги билимлари жуда ҳам кам бўлган шахслар ҳам бўлиши мумкин. Лекин шунга қарамай, акционерлик жамиятига олинаётган кредитлар улар сармоясининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу жараёни иқтисодчи бўлмаган шахсларга ҳам тушунарли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун биз қуйидаги шаклдаги «Кредитларни ҳисобга олиб бориш дафтарини» жорий қилинишини таклиф қиламиз. Бу дафтарда ҳар бир кредит олинishi ҳолати учун алоҳида саҳифа очиб, бунда аввало кредит шартномаси имзоланган сана, кредит шартномаси бўйича кредит суммаси, кредит таъминоти (мулк гарови шаклида бўлса, мулклар рўйхати ва қиймати, гаров шартномаси тасқланган сана ва гаров шартномаси суммаси, кафолат хати асосида бўлса, кафолат хати санаси ва суммаси, кафолат берувчи ташкилот иоми аннқ кўрсатилган ҳолда), кредитнинг қайтарилиш муддати, кредит шартномаси бўйича кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланувчи фоиз суммаси ва бу фоизларнинг тўланиш муддатлари, ҳақиқатда кредит фоизларининг ҳисобланган ва тўланган муддатлари ва

суммалари, агар кредитнинг муддати узайтирилгин бўлса, бу ҳақидаги қўшимча шартнома тузилган сана ва кредитлар ҳисобини олиб бориш зиммасига юклатилган масъул шахс исми-шарифи аниқ кўрсатилиши, сўнгра 2.1.16-жадвал кўринишида кредитларнинг олинishi ва қайтарилиши акс эттирилишини таклиф қиламиз. Таклиф қилинаётган кредит муомаларини ҳисобга олиш дафтарида кредит муомалари бўйича муомала мазмуни, суммаси, синтетик ва аналитик маълумотлар акс эттирилувчи ҳужжатларнинг тартиб рақамлари ва кредит муомалари бўйича бухгалтерия ёзувлари акс эттирилади.

Таклиф қилинаётган кредит муомалаларини ҳисобга олиб бориш дафтари яна бир афзаллик томони шундаки, кредит олувчилар билан қизиқувчилар фақатгина акционерлар ёки банк бўлибгина қолмай улардан ташқарилари ҳам бўлиши мумкин. Буларга солиқ инспекцияси ходимлари, прокуратура ходимлари, юқори бошқарув) органлари (Вазирлик ва бошқа идоралар) ни киритиш мумкин. Улар томонидан ўтказилиши мумкин бўлган текширувлар даврида ҳам бу дафтар жуда қўл келади. Чунки кредит муомалаларига таалукли барча маълумотларни ушбу дафтардан олиш имконияти мавжуд. Очик юқорида келтирилган «Марҳамат» очик турдаги акционерлик жамияти кредит муомалалари бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларини қуйидаги кредит муомалаларини ҳисобга олиб бориш дафтарида акс эттирамиз:

Кредит муомалаларини ҳисобга олиб бориш дафтари.

1. 2004 йил 16 декабрь.

Кредит шартномаси имзоланган сана

2. 30000,0 минг сўм

Кредит шартномаси бўйича кредит суммаси

3. «Марҳамат» очик турдаги акционерлик жамияти маъмурияти
биноси. 2004 йил 10 декабрь, 35000,0 минг сўм

Кредит таъминоти (Мулк шаклида бўлса мулклар рўйхати, гаров шартномаси тузилган сана ва гаров шартномаси суммаси. Кафолат хати шаклида бўлса кафолат хати санаси, суммаси ва кафолат хати берган ташкилот номи)

4. 2005 йил 16 декабрь

Кредитнинг қайтарилиш муддати

5. Йиллик 48 фоиз 14400.0 минг сўм, ойма-ой, хар ойнинг 20 санасида 1200.0 минг сўмдан

Кредит фоизи суммаси ва тулаш муддати

6. Барчаси ўз вақтида тўланиб борилган

Хақиқатда кредит фоизларини тўланган муддатлари ва суммалари

7. Муддати узайтирилмаган

Агар кредит муддати узайтирилган бўлса қўшимча шартнома тузилган сана

8. Бахтиёр Шамсиддинов

Кредитлар ҳисобини олиб бориш зиммасига юклатилган масъул шахснинг исми-шарифи.

2.1.17-жадвал

(январ ойидаги муомалалар)

Муомалалар мазмуни	Сумма	Номер		Счётлар	
		Қайдн ома	Жур нал ордер	Дт	Кт
Қисқа муддатли банк кредити суммаси мол етказиб берув- чиларга маҳсулот сотиб олиш учун ўтказилди	30 000 000	38	4	6010	6910
Қисқа муддатли банк кредити қисман қайтарилди	4 000 000	38	4	6910	5110
Жами қолдик	26 000 000				

Юқорида 2.1.16-жадвалда келтирилган кредит муомалаларини ҳисобга олиб бориш дафтари маълумотларидан нафақат акционерлар, балки кредит муомалалари устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи текширув органлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

2.2. Кредит фоизлари, жарималар ҳисоби ва уларни такомиллаштириш йўллари

Банк кредитидан фойдаланган вақт учун тўланадиган фоиз кредит нархи ҳисобланади. Кредит нархи Марказий банк қайта молиялаш ставкаси меъёри билан тартибга солинади ва маҳсулот ҳамда хизматлар таннархи

даражасини ҳисобга олиб белгиланадиган энг юкори кўрсаткичдан ошиб кетмаслиги керак.

Марказий банк муддатли қарзлар бўйича тижорат банкларига бу ставкани кўпи билаи 1,5 баробар оширилишига рухсат этади. Шундай қилиб тижорат банки ўз ресурсларини ойига 2 % дан 3 % гача ёки йилига 36 % гача ҳақ тўлаш шарти билан сотиши мумкин.

Ресурслар қайтарилишини 30 кунгача кечиккан ҳолларда фоиз ставкаси белгиланганидан 1,3 баробар кўпаяди, яъни амалдаги ставка $3 \% * 1,3\% = 3,9 \%$ ёки йилига 46,8 % ни ташкил этади.

Ресурслар қайтарилиши 30 кундан ортиқ муддатга кечиккан ҳолларда фоиз ставкаси 1,5 ярим баробар ошади, яъни амалдаги ставка ойига $3 \% * 1,5\% = 4,5 \%$ ни ёки йилига 54 % ташкил этади. Муддати ўтган кредит учун фоизлар 90 кунгача ҳисобланади. Шу вақт ичида қарз қайтарилмаса, фоиз ҳисоблаш тўхтатилади. Муддати ўтган фоизлар бўйича қарз қолдиғи кредит шартномасида кўзда тутилган тартибда тўлов талабномаси ёки мемориал ордер билан расмийлаштирилиб, №2-сонли картотекага қўйилади, ҳамда календарь навбатидаги тартибда сўндириб борилади. Бунда дастлаб ҳисобланган фоизлар бўйича қарзлар ва шундан кейин асосий қарз қопланади. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонуннинг 28-моддасига кўра тижорат банклари мижозлар билан шартнома бўйича фоизлар миқдорини мустақил белгилаш ҳуқуқига эгадирлар. Яъни, қарз олувчилар банклардан кредит олишдаи олдин ўзаро кредит шартномасини тузадилар ва кредитдан фойдалангани учун тўланадиган фоиз шу шартномага асосан томонларнинг келишуви билан белгиланади. «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га асосан банкдан олинган кредитга тўланадиган фоизлар молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибига киритилиб, қайтарилиш муддати ўтиб кетган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жорий этилган қайта молиялаш ставкасидан ортиқча бўлган кредит фоизи бўйича

тўловлар қайта солиққа тортиладиган базага қўшилади ва фойда (даромад) солиғига тортилади. (Корхона харажатларининг таснифи 5-иловада келтирилган). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жорий этилган қайта молиялаш ставкасидаги қисми эса 80/4 - «Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар» субсчётида ҳисобга олинб, фойда ҳисобидан қопланади. Янги счётлар режасига мувофиқ молиявий фаолият бўйича харажатлар 9610 - «Фоиз кўринишидаги харажатлар» счётида акс эттирилади. Корхона харажатларини акс эттирувчи счётлар гуруҳланиши 3-иловада келтирилган. Молиявий фаолият бўйича харажатлар, яъни банкдан олинган кредитга тўланадиган фоизлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ҳисобга олинади:

2.2.18-жадвал

Кредит фойларининг бухгалтерия ёзувларида акс эттирилиши

№	Муомала мазмуни	Амалдаги счётлар режасига асосан		Янги счётлар режасига асосан	
		Д-т	К-т	Д-т	К-т
1.	Банк кредитидан фойдаланганлик учун фоиз ҳисобланди.	80 / 4	76	9610	6820
2.	Ҳисобланган кредит фоизи тўланди	76	51	6820	5110

Ушбу мавзу бўйича хориж тажрибасига эътибор берсак, масалан, Россия Федерациясида олинган кредит фоизлари ва кредитларнинг оlinиши ва қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида икки хил йўл билан акс эттирилади.

Ҳисобланиши меъёри бўйича — бу ҳолда банк кредитларини ҳисобга олувчи ҳисобварақ кредити ва 20-«Асосий ишлаб чиқариш», 26-«Умумхўжалик харажатлари» ҳисобварақлари дебетида РФ Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаларидан ортиқ қисмини алоҳида субсчётда ажратган ҳолда ёзилади. РФ Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаларидан юқори тўланадиган фоизлар суммасини алоҳида субсчётларга ажратилиши солиққа тортиш мақсадида амалга оширилади. Россия Федерацияси (РФ) да 1992 йил 5 августдаги №552

(1995 йил 1 июлдаги 661-сонли қўшимча ва ўзгаришлари билан) «Положения о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг)» Низомига кўра банк кредитлари бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси маҳсулот таннархига киритилган бўлиб, РФ Марказий Банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасидан ортиқча кредит фоизлари бўйича харажатлар суммаси таннарх таркибига киритилмайди, лекин солиққа тортиладиган базага қайта қўшилади ва фойда ҳисобидан қопланади. Фоизлар суммасини ҳисобдан чиқариш корхонанинг кредит бўйича қарзини тўлаш пайтида амалга оширилади.

2.2.19-жадвал

РФ корхоналарида кредит фоизларини ҳисоблаш меъёри бўйича ҳисобга олиниши

Корреспонденцияланадиган счётлар		Сумма (Минг рублда)	Муомала мазмуни
Д-т	К-т		
50; 51; 52; 55; 60	90; 92	1000	Кредит олиниши
20/1; 26/1	90;92	92	РФ Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаларидаги кредит фоизи бўйича тўлашга тегишли ҳисоблашиш
20/2; 26/2;	90; 92	10	РФ Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаларидаги кредит фоизи бўйича тўлашга тегишли ҳисоблашиш
90; 92	50; 51; 52	11000	Кредитни унга ҳисобланган фоизи билан узиш.

2. Тўланиши меъёри бўйича.

Бунда корхоналар банкка тўлайдиган фоизлар суммаси фақат кредит қарзи суммаси қайтарилаётганда кўрсатилади ва тўланадиган фоизлар суммасига 20-«Асосий ишлаб чиқариш» ва 26-«Умумхўжалик харажатлари» ҳисобварақлари дебетланади ва пул маблағлари ҳисоби счётлари кредитланади (фоизларнинг ҳисобланиши ва тўланиши 90-«Қисқа муддатли банк кредитлари», 92-«Узоқ муддатли банк кредитлари» счётларида акс эттирилмайди).

РФ корхоналарида кредит фоизларини тўланиш меъёри
бўйича ҳисобга олиниши

Корреспонденцияланадиган счётлар		Сумма (Минг рублда)	Муомала мазмуни
Д-т	К-т		
50; 51; 52; 55; 60 ва хоказо	90; 92	1000	Кредит қарзи олиниши
90; 92	90;92	92	Кредит қарзи узилиши
20/1; 26/1	90; 92	10	РФ Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставка меъёридаги кредит фоизларини тўлаш
20/2; 26/2;	50; 51; 52	11000	РФ Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаларидан юқори кредит фоизларини тўлаш

Банк фоизларини тўлаш бўйича корхона харажатлари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида қуйидагича акс эттирилади:

а) банк кредитлари бўйича тўловлар маҳсулот (ишлар, хизматлар) тағшархига қўшилади - ишлаб чиқариш харажатлари счётлари - 20-«Асосий ишлаб чиқариш» ва 26-«Умумхўжалик харажатлари» ва бошқа тегишли ҳисобрақамлар дебетида;

б) асосий воситалар, номоддий ва бошқа айланма бўлмаган активлар харид қилишга олинган кредитлар фоизлари суммасининг ҳўланиши корхона ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобига қопланади;

Банк кредитлари бўйича амалиётлар 90-«Банкларнинг қисқа рмуддатли кредитлари» ва 92-«Банкларнинг узок муддатли рсредитлари» ҳисобварақларида, аналитик ҳисоби эса 4-журнал ордерда юритилади.

Ўз вақтида қайтарилмаган банк кредитлари корхона балансида қуйидида акс эттирилади:

- шартномага кўра ҳисобот санасидан бошлаб 12 ойдан кейин тўланиши керак бўлган банк кредитлари «Узоқ муддатли пассивлар» бўлимида акс эттирилади;

- ҳисобот санасидан кейинги 12 ой ичида узилиши керак бўлган банк кредитлари «Қисқа муддатли пассивлар» бўлимида кўрсатилади.

Ушбу тадрибадан ижодий фойдаланиш ва банк кредитлари ича

ҳисобланган фоизлар суммасини Ўзбекистон Республикасида фойда ҳисобидан қопламай, балки маҳсулот таннархига киритилувчи харажатлар тарикбига киритилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, лекин хориж амалиётидан фарқли равишда фақатгина Марказий Банк қайта молиялаштириш ставкасида доирасидаги қисминигина эмас, балки барча ҳисобланган фоизлар суммасини ва кредитни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлиғича маҳсулот таннархига киритилувчи харажатлар таркибига қўшилишини таклиф қиламиз (кредит ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун ҳисобланган ва тўланган фоизлар суммасидан ташқари, албатта).

Корхоналарнинг банк кредитидан фойдаланишига сабаб, ишлаб чиқариш (ишлар, харажатлар кўрсатиш)ни ривожлантиришдан иборат. Банк кредитлари, юқорида айтиб ўтганимиздек, фоиз тўлаш шарти билан берилади. Банк кредитларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, кредитдан фойдаланганлиги учун тўланадиган фоиз маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар таркибига киритилиб, 20- «Асосий ишлаб чиқариш», 23- «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётларида ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Янги счётлар режасига асосан 2010 - «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 - «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётлари бўлади. Агар банкдан олинган қисқа муддатли кредит асосий ишлаб чиқаришга сарфланса, кредит фоизлари қуйидагича ҳисобга олиниши кераклигини таклиф қиламиз:

2.2.21-жадвал

Асосий ишлаб чиқаришга сарфланган банк кредити бўйича ҳисоб-ланган
фоизларнинг бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиниши

№	Муомала мазмуни	Амалдаги счётлар режасига асосан		Янги счётлар режасига асосан	
		Д-т	К-т	Д-т	К-т
1.	Асосий ишлаб чиқаришга сарфланган банк кредитидан фойдаланилганлиги учун фоиз ҳисобланди	30	76	9610	6820
2.	Ҳисобланган кредит фоизи асосий ишлаб чиқариш харажатлари таркибига ўтказилди	20	35	2010	9110

Асосий ишлаб чиқаришга сарфланган қисқа муддатли банк кредитидан фойдаланилганлиги учун ҳисобланган кредит фоизи суммаси 2.2.21-жадвалда келтирилган тартибда 20- «Асосий ишлаб чиқариш» счётига ўказилгандан кейин бошқа асосий ишлаб чиқариш харажатлари билан биргаликда асосий ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот таннархини ташкил қилади ва қуйидагича бухгалтерия ёзуви орқали ҳисобга олинади:

2.2.22-жадвал

Ишлаб чиқариш харажатларини тайёр маҳсулот таркибида ҳисобга олиниши

№	Муомала мазмуни	Амалдаги счётлар режасига асосан		Янги счётлар режасига асосан	
		Д-т	К-т	Д-т	К-т
1.	Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот кирим қилинди	40	20	2810	2010
2.	Харидорларга маҳсулот сотилди	46	62	4010	6310 7310
3.	Сотилган тайёр маҳсулот харажатлари ҳисобдан чиқарилди	46	40	9110	2810
4.	Сотилган маҳсулотнинг пули келиб тушди	51	62	5110	4010 9010
5.	Маҳсулот сотишдан фойда олинди.	46	80	9110	9010

Агар банкдан олинган қисқа муддатли кредит ёрдамчи ишлаб чиқаришга сарфланса, кредит фоизлари қуйидагича ҳисобга олинади:

2.2.23-жадвал

Ёрдамчи ишлаб чиқаришга сарфланган кредитга ҳисобланган фоизнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши

№	Муомала мазмуни	Амалдаги счётлар режасига асосан		Янги счётлар режасига асосан	
		Д-т	К-т	Д-т	К-т
1.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган маҳсулот киримга олинди	35	76	9110	6820
2.	Ҳисобланган кредит фоизи ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари таркибига ўтказилди	23	35	2310	9110

Ёрдамчи ишлаб чиқариш дейилганда, асосий фаолиятни ташкил

қилиш, меҳнат шароитларини яратиш ва асосий фаолиятга боғлиқ бўлмаган, лекин корхонада амалга оширилаётган қўшимча фаолият турларига айтилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришга сарфланган кредит маблағи бошқа харажатлар билан бирга, ёрдамчи ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи ҳисобига ўтказилса, қуйидаги тартибда бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади :

2.3. Тўқимачилик корхоналарига банк кредитларини жалб этишни мақсадга мувофиқлигини баҳолаш

Банк кредитларини жалб этишда хўжалик субъектлари томонидан қабул қилинган қарорлар ўз ичига бир неча босқични қамраб олади:

1. У ёки бу кредит ресурсларини жалб этишда ҳақиқий баҳоланиши.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар кредит бера туриб, мижознинг ҳозирги кундаги молиявий ҳолатини, унинг тўлов қобилиятлиги ва кредитга лаёқатлилигини ўрганиб чиқади.

Айни пайтда мазкур параграфнинг мақсади у ёки бу кредит битимларида корхонанинг иштирок этишини мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқилиши ҳисоблансада, бунда корхонанинг молиявий ҳолати таҳлиliga тегишли муаммо ва масалалар умумий ҳолда кўриб чиқилмайди. Корхона ўз оборотига кредит ресурсларини жалб этишнинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил қила туриб, молиявий ҳолатини ёмонлаштирмаслик учун ўз молиявий аҳволига баҳо бериш керак деб топилган.

2. Жалб этилмаган кредит ресурсларини қийматини аниқланиши. Мазкур савол ҳозирги кунда мураккаб деб топилган. Асосий муаммо шуки, бунда фоиз кўринишида берилган кредит қиймати унинг реал қиймати деб ҳисобланмайди. У ўз ичига инфляцион таъсирлар, турли хил иқтисодий кутилишлар, кредитдан фойдаланиш даврида вужудга келувчи қўшимча ушланмаларни олади.

3. Кредит бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ ушланмаларнинг таққосланиши.

Хўжалик субъектлари томонидан жалб этиладиган кредит манбалари

турли хил ўлчов бирликларида ўлчанади, банк кредитлари кредит ставкаларида, аммо вексел бўйича муддатидан олдин олинган пуллар учун банкка тўловлар - ҳисоб ставкалари кўринишида бўлади. Шундай қилиб барча омилларни ҳисобга олган ҳолда - барча кредитлар бўйича ушланмалар келтириш зарурияти туғилади.

Банк кредитларини жалб қилишда, корхона ўз фаолиятини режалаштира туриб, оборотда ўз маблағларининг етишмаслигини ликвидация қилишга интилганда у қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- ҳисоб - китоб назоратини ўрната туриб, иазарда тугилган дебиторлик ва кредиторлик қарзи даражасини сақлаб туриши;

- жалб қилинувчи кредит бўйича ушланмаларни имконият борида минималлаштириш;

- ички ва ташқи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, молиялаштириш мақбаининг оптимал манбасини танлаш.

- Кредит шартномасида қоидага асосан йиллик фоиз ставкаси ўрнатилади. Банк кредити қатъий қийматига асосий таъсирни солиқ ушланмалари ва қўшимча харажатлар ўтказди.

Кредитнинг реал баҳосини аниқлашда солиқ қонуниятларини ҳисобга олиш лозим. "Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида" Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 54-сонли Қарори(5 феврал 1999 йил)га асосан банк кредитлари бўйича фоизлар молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибига киритилиб фойда ҳисобидан қопланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасидан юқори қисми фойда солиғга тортиладиган базага қўшилади ва фойда солиғига тортилади.

Россия Федерацияси (РФ) да 1992 йил 5 августдаги №552 (1995 йил 1 июлдаги 661-сонли қўшимча ва ўзгаришлари билан) «Положения о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг)» Низомига

кўра банк кредитлари бўйича фоизлар таннархга киритилган бўлиб, РФ нинг Марказий Банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасидан ортиқча кредит фоизлари бўйича харажатлар солиққа тортиладиган базага қўшилади ва фойда ҳисобидан қопланади, лекин таннарх таркибига киритилмайди.

Солиққа тортиш тартибини ҳисобга олган ҳолда кредит бўйича фоиз ставкалари қуйидаги формула билан топилади:

$$1C = ((S - S1) \times \Phi C + S) : KC$$

Бу ерда: 1C-солиқларни ҳисобга олган ҳолда банк кредити бўйича йиллик ставка, бунда:

S - йиллик кредит фоизи суммаси;

S1- кредит фоизи суммасини қайта солиқда тортиладиган базага қўшилмайдиган қисмн;

ΦC- фойда солиғи ставкаси;

KC — кредит суммаси.

S ва S1 ларни ҳисоблаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

$S = KC \times K\Phi$, бу ерда. KΦ - йиллик кредит фоизи.

$$S1 = S - (KC - KMC)$$

Бу ерда: KMC - Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкаси.

Банк фоиз ставкаси билан бир қаторда корхона кредит қийматининг қўшимча элементлари - кредит шартномасига киритилган ва кредит шартномасида кўрсатилмаган кредит бўйича харажатларни ўз ичига олади. Бунга қуйидагилар киритилади:

- корхонанинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятида банк томонидан қўйиладиган чеклашлар ва таъқиқловлар;

- кредитни суғурталаш талаби;

Келтирилган қўшимча харажатларни фоиз кўринишида баҳолаш ҳам мумкин.

Корхона томонидан кредитни суғурталашда қилинадиган харажатлар кредит тўловининг абсолют қийматини оширади. Бу эса фоиз ставкасини ошишига олиб келади. Қўшимча харажатлар қиймати кредит шартномаларидаги фоиз ставкалари ва кредит тўлови бўйича фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ бўлиб ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган чекланишлар бевосита корхоналарда мавжуд маблағлардан фойдаланиш йўналишларига таъсир қилиб, кредит қийматига ҳам таъсир қилади.

Кредитни расмийлаштириш билан боғлиқ, харажатларни ҳисобга олган ҳолда кредит нархини аниқлаш формуласини қуйидагича акс эттиришимиз мумкин:

$$K_x = H + C + B$$

бу ерда: Н-гаров шартномасини тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш харажатлари;

С-суғурталага харажаглари;

В-гаровга қўйилган мулкларни баҳолаш харажатлари.

Ўз навбатида, гаров шартномасини тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш харажатларини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$H = (\Gamma_c \times \Gamma_\phi) + D_\phi$$

Бу ерда: ГС-гаровга қўйилаётган мулк суммаси;

ГФ-гаров шартномасини тасдиқлаш учун белгиланган нотариал давлат божи фоиз ставкаси;

D_ϕ - давлат рўйхатидан ўтказиш божи.

Суғурталаш билан боғлиқ харажатлар қуйидаги формула ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$C = \Gamma_c \times C_c$$

Бу ерда: СС-суғурталаш учун белгиланган фоиз ставкаси.

Гаровга қўйилган мулкларни баҳолаш харажатларини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$B = \Gamma_c \times B_c$$

Бу ерда: B_c -гаровга қўйилаётган мулкни баҳолаганлиги учун баҳолаш ваколати берилган ташкилотлар (кўчмас мулк биржалари, аудиторлик фирмалари ва ҳ.к.) томонидан олинadиган фоиз ставкаси.

$KФ = (ҚХ:КС) * 100$ бу ерда, $Kф$ - қўшимча харажатларни ҳисобига кредит фоизини ортиқ миқдори.

Кредитдан фойдалапилганлиги учун тўланувчи фоизлар суммасини юқоридаги усуллар бўйича ҳисоблаб топилган миқдорлари кредитдан фойдаланиш давомида олинishi режалаштирилган фойда миқдори билан солиштириш ва кредит қарзини жалб қилиш ёки қилмаслик тўғрисида ҳал қилувчи қарор қабул қилиниши мумкин.

Жалб қилинаётган кредитнинг ҳақиқий нархи ва кредитланаётган тадбир даромадлигини солиштиришнинг ўзи кредит қарзини олиш ёки олмаслик тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун етарли бўлмайди. Кредит қарзини қайтариш ва кредит фоизларини тўлаш имкониятларини аниқлаш учун кредит шартномаси амал қилувчи давр учун даромадлар ва харажатлар баланси тузилиши зарур бўлиб, бунда кутилаётган харажатлар ва тушумлар нафақат миқдор, балки вақт бўйича ҳам солиштирилади. Кредит бўйича кутилаётган харажатлар ва даромадлар солиштирилаётганда нафақат абсолют балки нисбий миқдорлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир бирлик кредитга тўғри келувчи фойда миқдори аниқланади. Бу кўрсаткични ҳисоблаш методикаси қуйидагиларни назарда тутмоғи шарт:

- кредит корхона айланма маблағлари таркибида бошқа айланма маблағлари манбалари билан бирга иштирок этади - демак унинг алоҳида салмоғини аниқлаш даркор;

- «Кредит линияси бчмасдан кредит бериш» усулида кредитлаш амалга оширилганда кредит қарзи миқдорини вақтнинг муайян санасига қолдиқдан келиб чиқиб белгилаш мумкин;

- молиявий таҳлил динамик қаторлар, яъни индекслардан фойдаланилганда аниқ бўлади.

Бундай шароитларда кредит самарадорлиги коэффиценти қуйидаги

кўришида бўлади:

$$K_{сам} = \left(\left(\frac{\Phi_1}{A_1} : \frac{\Phi_0}{A_0} \right) \times \frac{K_{лас} - 1}{K_{лас} - 0} \right)$$

$K_{сам}$ - кредит самарадорлиги коэффициенти ;

Φ - жорий ва базис даврдаги фойда;

A - айланма маблағлар (жорий ва базис даврларда);

$K_{сал}$ айланма маблағлар таркибида кредит салмоғи коэффициенти.

Банкдан кредит олмоқчи бўлган «Ташкятекстиль» қўшма корхонаси мисолида кредитнинг ҳақиқий нарҳини ҳисоблаш усулини ўрганиб чиқамиз. Бизнинг мисолда, кредит шартлари қуйидагича: «Ташкятекстиль» қўшма корхонаси кредит миқдори 13 500 000 сўм, 9 ой ичида йиллик 48% билан беради (9 ой учун 36%). «Ташкятекстиль» қўшма корхонаси кредит учун тўловлар тугатиш графигини корхонанинг ҳар ойда 4%дан кредит фоизини тўлаш ва кредитни 9 ойдан кейин тўлиқ қайтариш шарти билан тузади. Ҳам ма омилларни ҳисобга олган ҳолда олинган кредит қийматини ҳисоблаб чиқамиз.

1. Солиқлар тўловини ҳисобга олган ҳолда фоиз ставкаси қуйидаги формула билан топилади:

$$S = KС \times Kф = 13500000 \times 36\% = 4860000 ;$$

$$-S = S - (Kс - Kмс) = 4860000 - (13500000 \times 24\%) = 1620000 ;$$

$$1с = ((S - S_1) \times \Phiс + S) : Kс = ((4860000 - 1620000) \times 0,26 + 4860000) : 13500000 = 0,4224 \text{ ёки } 42,24\%$$

2. Кредит фоиз ставкаси кредит бўйича қўшимча харажатлар таъсирида ўзгаради. Бизнинг мисолда қўшимча харажатларни ҳисобга олган ҳолда кредит фоизи қуйидагича:

$$H = (\Gamma_C \times \Gamma_\Phi) + D_b = (15000000 \times 2\%) + 34500 = 754500$$

$$C = \Gamma_C \times C_c = 15000000 \times 0,5 = 75000$$

$$B = \Gamma_C \times B_c = 15000000 \times 5\% = 750000$$

$$K_X = H + C + B = 754500 + 75000 + 750000 = 1579500$$

$$K_\phi = (K_X : K_C) * 100 = (1579500 : 13500000) * 100 = 11,7\%$$

$$42,24 + 11,7 = 53,94\%$$

Натижада, корхона кредит бўйича тўлов фоиз ставкаси 42,24+11,7=53,94%ни ташкил этади. Яъни, кредит шартномасида кўрсатилган номинал фоиз ставкаси 9 ой учун 36%ни ташкил қилган ҳолатда, ҳақиқатда 9 ой учун 53,94 фоизни ташкил қилади. Бу кредит шартномасида кўрсатилганидан апча юқорилиги кўриниб турибди. Бу ҳолат акционерлик жамияти томонидан кредитни ҳақиқатда қанчага тушишини билмасдан туриб, кредит олишига ва кредитдан фойдаланиш натижасида зарар кўришига сабаб бўлиши мумкин. Юқорида таклиф қилинган усулдан фойдаланиш натижасида эса кредитнинг ҳақиқий қийматини олдиндан билиб олиш ва кредитнинг фойдалилик даражасини аниқлаш мумкин бўлади.

3-БОБ. ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА БАНК КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Тўқимачилик корхоналарининг кредит ресурслари билан таъминланиши ва уни аудитини ташкил қилиш тартиби

Амалдаги тартиб бўйича мулкчилик шаклидан ва ташкилий – ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча банк муассасалари ҳар йили ҳолис аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт, шунингдек акционерлик жамиятлари учун ҳам айнан шу талаб қўйилган. Банк муассасаларини аудиторлик текширувидан ўтказилаётганда банк томонидан амалдаги қонунлар, тартиб-қоидалар, меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилганлиги ва молиявий натижаларнинг ҳақиқий ҳолатни акс эттиришини аниқлашга эътибор берилади, лекин, ўтказилаётган аудиторлик текшируви банк муассасаси буюртмасига кўра, унинг маблағи ҳисобидан, у танлаган аудиторлик фирмаси томонидан ўтказилиши сабабли, бу аудиторлик текшируви жараёнида банк хизмат кўрсатаётган корхоналарнинг кредит ресурслари билан таъминланиши таҳлилини ўтказиш мақсад қилиб қўйилмайди. Хўжалик субъектларида аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнида кредит ресурслари билан таъминланганлик таҳлилини ўтказиш мақсад қилиб белгиланса ва бу аудит жараёнида банк муассасаси айби билан имзоланган кредит шартномасига асосан ўз вақтида ва етарли ҳажмда кредит ресурслари билан таъминлаш амалга оширилмаган ва натижада хўжалик субъекти зарар кўрганлиги ҳолатлари аниқланса ҳам банк муассасасига таъсир кўрсатишнинг самарали механизми мавжуд эмас деб ҳисоблаймиз, чунки хўжалик субъектлари ўзларига хизмат кўрсатаётган банк муассасалари устидан хўжалик судига даъво аризаси бериш ташаббуси билан чиқишни исташмайди. Ушбу ҳолатни ҳисобга олиб, ўтказилаётган текширувлар самарадорлигини ошириш учун Тўқимачилик корхоналарида ва уларга банк хизмати кўрсатувчи тижорат банкларида текширувларни бир пайтда ўтказиш ва текширув жараёнида кредит ресурслари билан таъминланганлик

даражасига акционерлик жамиятлари манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда эътиборни қаратиш керак деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун акционерлик жамиятига хизмат кўрсатувчи банк кредит бўлимини аудиторлик текширувидан ўтказилишини таклиф қиламиз. Кредит бўлимида қуйидагилар текширилиши зарур деб ҳисоблаймиз:

- берилган кредит бўйича ҳисоб-китоблар ва ҳужжатларни расмийлаштиришнинг тўғри юритилиши;
- марказлашган кредитдан мақсадли ва самарали фойдаланиши;
- белгиланган муддатларда ва тартибда кредитнинг қайтарилиши;
- фоизларни ўз вақтида ундирилиши;
- инкредитнинг режадаги миқдорини ўз айланма маблағлари ва кредиторлик қарзининг иштирокини ҳисобга олган ҳолда белгилашнинг тўғрилиги;
- кредит бериш шартларига риоя қилиниши ва шунга доир ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши;
- кредит ресурсларидан уларни ажратишда белгиланган мақсадга қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш;
- қарзларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиб олинishi;
- кредитлар таъминланганлигини назорат қилишнинг аҳволи (хўжалик органларининг маълумотномалари, ҳисобот балансларининг маълумотлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига бориб, омбор ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича текширилади);
- кредитлашда даражалашнинг таъминланиши (бунда айрим жазоларни танлаш ва қўллаш тартиби тўғрилигига эътибор берилади);
- ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш, товар-моддий бойликлари захираси, товар обороти ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ўсиш суръатлари билан қисқа муддатли кредитлашнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги иқтисодий жиҳатдан асосланган нисбатга риоя қилиниши юзасидан

кўрилатган чоралар;

- кредит шартномаларида банк билан хўжалик органи ўз зиммаларига олган мажбуриятлар бажарилиши (кредитлаш, кредитларни бериш ва қайтариш, фоиз ставкаларини қўллаш, солиқ ҳуқуқидан фойдаланиш шартларига риоя қилиниши). Кредитга эҳтиёж иқтисодий жиҳатдан етарлича асосланмаган ҳолда кредит берилиши, кейин у зарарни қоплашга жалб этилиши ва узоқ муддатли молиявий узилишлар сингари иллатларга йўл қўйиб бўлмаслигига эътибор қаратилади.

Хизмат кўрсатилувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳисобот маълумотлари (баланслар ва бошқа хил ҳисобот маълумотлари, ўз айланма маблағлари, кредитланадиган бойликлар, харажатлар ва ҳоказолар борлиги тўғрисидаги маълумотлар), «Макроиктисодиёт ва статистика Вазирлиги», молия органларининг маълумотлари қарз операциялари тўғри амалга оширилатганлигини текшириш учун асос бўлади.

Шу мақсадларда ҳисоб-китоблар, хулосалар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш, молиявий фаолиятининг кўрсаткичлари ҳамда хўжалик органларига кредит ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш жараёни банк муассасаси амал қиладиган бошқа ҳужжатлардан ҳам фойдаланилади.

Хўжалик органларининг ссуда ҳисобварақлари бўйича ўтказиладиган операциялар тўғрилиги шахсий ҳисобварақлар, мемориал ҳужжатларнинг маълумотлари ва кредит бўлимларининг фармойишлари асосида текширилди.

Кредит товар-моддий бойликлари билан таъминлангани устидан ўрнатилган назоратнинг аҳолини текширишда таъминланмаган кредитга қанчалик кўп ва қандай миқдорларда йўл қўйилгани, банк муассасалари раҳбарлари у вужудга келишининг сабабларини қанчалик мунтазамлик билан кўриб чиқаётгани, бу қарз ўз вақтида ва тўлиқ аниқлангани ҳамда ундириб олиш чоралари кўрилгани, банк муассасасида келгусида таъминланмаган қарздорликка йўл қўймаслик учун кўрилатган чоралар аниқланади.

Аудиторлик фирмалари банклар томонидан хўжалик субъектларини кредит ресурслари билан таъминланишини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишлари керак деб ҳисоблаймиз:

- кредит шартномасининг тўғри тузилганлигига;
кредит шартномасига асосан белгиланган кредит фоизларини тўғрилигига;
- кредит олиш бўйича кредит олувчининг аризаси ва кредит буюртманомасини ўз вақтида ўрганилиб чиқилишига;
- кредит бериш мумкинлиги тўғрисидаги қарорни ўз вақтида ва тўғри чиқарилганлигига;
- ликвидлик, қоплаш ва мухторият коэффицентларини тўғри аниқланганлигига;
- гаровга қўйилган мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигига;
- гаровга қўйилган мулкнинг суғурталанганлигига;
- гаровга қўйилган мулк бозор баҳоси бўйича тўғри баҳоланганлигига;
- кредит суммасини ўз вақтида етказилиб берилганлигига.

Кредит шартномасининг тўғри тузилганлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2000 йил 8 февралдаги 892-сонли билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларни ўрта ва узоқ муддатли кредитлашни ташкил қилиш тартиби тўғрисида Низом»га, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2000 йил 29 февралдаги 903-сонли «Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этган ҳолда амалга оширувчи фермер хўжаликлари, кичик бизнеснинг бошқа субъектларини тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлаш Тартиби»га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2000 йил 7 мартдаги 907-сонли «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада

кредитлаш тартиби»га асосан амалга оширилади. Кредит шартномасига асосан белгиланган кредит фоизлари миқдорини тўғри белгиланганлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк белгиланган кредит фоизларини энг қуйи ва энг юқори чегараларига солиштириш йўли билан аниқланади.

Кредит олиш бўйича кредит олувчининг аризаси ва кредит буюртманомасини ўз вақтида ўрганилганлигини текшириш ҳам юқорида таъкидланган меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан ўтказилади. Ўрганилиш муддати тегишли қонуний ҳужжатда белгиланган бўлиб, ҳақиқатда сарфланган вақт солиштириш йўли билан текширув амалга оширилади.

Ликвидлик, қоплаш ва мухторият (мустақиллик) коэффициентларини тўғрилиги кредит олувчи корхона балансини таҳлил қилиш натижасида аниқланади. Баланс маълумотлари кредит олувчи томонидан кредит олиш учун банкка тақдим қилинган ҳужжатлар ичида мавжуд бўлади. Бу ҳужжатлар кредит берувчи банкнинг кредит бўлимида ҳар бир кредит олувчи бўйича алоҳида-алоҳида йиғиб борилади.

Гаровга қўйилган мулкнинг мавжудлиги ҳам кредит олувчини кредит олиш учун банкка тақдим қилган ҳужжатларини текшириш орқали амалга оширилади. Бу ҳужжатлар ичида гаровга қўйилган мулкни тасдиқловчи ҳужжат ёки кафолот хати мавжуд бўлиш керак.

Гаровга қўйилган мулкни суғурталанганлиги юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар йиғиндиси ичида суғурта шартномасини ва суғурта гувоҳномасини мавжудлигини текшириш орқали аниқланади.

Гаровга қўйилган мулкни суғурталанганлиги мазкур мулкнинг бутлигини тўлалигича сақланиш имкониятини яратади.

Гаровга қўйилган мулкни бозор баҳоси бўйича тўғри баҳоланганлиги мазкур мулкни баҳолаш бўйича тегишли биржа томонидан берилган ҳужжатни текшириш орқали амалга оширилади. Бу ҳужжат ҳам мижоз томонидан банкка тақдим қилинган ҳужжатлар йиғиндиси ичида мавжуд

бўлиши керак.

Кредит суммасини ўз вақтида етказиб берилганлиги тўлов ҳужжатларини текшириш орқали амалга оширилади. Тўлов ҳужжати (тўлов топшириқномаси)да тўлов амалга оширилаётган сана, тўловнинг миқдори, тўловчи ва олувчилар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Бу маълумотлар кредит шартномасидаги маълумотлар билан солиштирилиб текширилади. Яъни, тўлов ҳужжатларидаги сана, тўлов миқдори, тўловчи ва олувчи тўғрисидаги маълумотлар кредит шартномасидаги худди шу маълумотларга мос бўлиши зарур.

Агар аудиторлик текшируви жараёнида банкларнинг кредит олувчиларга кредитларни ўз вақтида етказиб бермаганлиги аниқланса, ҳар бир кечиктирилган кун учун Марказий банк томонидан белгиланган тартибда фоиз (жарима) суммаси ҳисоблаб чиқилади ва кредит олувчига тўлаб берилиши керак бўлади.

Акционерлик жамиятларини кредит ресурслари билан таъминланиши аудити акционерлик жамиятларини аудиторлик текширувидан ўтказиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда кредит шартномаси ва кредит тўлаб берилган тўлов ҳужжатларини текшириш орқали аудиторлик текшируви амалга оширилади.

Тўлов ҳужжатидаги сана, тўлов миқдори, тўловчи ва олувчи тўғрисидаги маълумотлар кредит шартномасидаги ушбу маълумотларга солиштириш орқали аудиторлик текшируви олиб борилади.

Акционерлик жамиятларида акционерлик жамиятларини кредит ресурслари билан таъминланиши юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви жараёнида банк томонидан кредитларни етказиб берилиши ёки кредитдан фойдаланганлиги учун олинadиган кредит фоизлари юзасидан камчиликлар аниқланса, аудиторлик ташкилоти ёки корхона ҳеч қандай чора кўриш имкониятига эга эмас. Фақатгина акционерлик жамияти хўжалик судига бериш ҳуқуқига эга. Бу эса

банклар томонидан кредит ресурсларини вақтида етказиб бермаслик натижасида акционерлик жамияти олинган банк кредитини ишлатиш натижасида кўзланган натижага эриша олмаслигига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида акционерлик жамиятларининг кредит ресурслари билан таъминланиши таҳлилини ривожлантириш борасида қуйидаги амалий таклифларни берамиз:

1. Акционерлик жамиятларини кредит ресурслари билан таъминланиши аудити бир вақтнинг ўзида икки ёқлама ўтказилиши керак. Яъни кредит олган акционерлик жамияти ва кредит берувчи банклар аудиторлик текширувидан бир даврда ўтказилиши керак. Бунда кредит олиш ва бериш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни бир бирига солиштириб текширувни амалга ошириш имконияти туғилади.

Бир банкда бир неча акционерлик жамияти фаолият кўрсатиб, уларнинг ҳар бири аудиторлик текширувдан ўтказилаётганда унга хизмат кўрсатувчи банкни аудиторлик текширувидан ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаганлиги учун аудиторлик текширувидан ўтказилаётган акционерлик жамиятига тегишли бўлган ҳужжатлар йиғма жилдини аудиторларга тақдим қилиш орқали текширув малга ошириш мумкин.

2. Юқорида айтиб ўтилган икки ёқлама текширувни акционерлик жамиятини аудиторлик текширувидан ўтказувчи аудиторлик ташкилоти ёки аудиторлар амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Яъни, акционерлик жамиятларини аудиторлик текширувидан ўтказувчи аудиторларга, акционерлик жамиятларини кредит ресурслари билан таъминланиши аудиторлик текширувидан ўтказилаётганда, ушбу Тўқимачилик корхоналарига хизмат кўрсатувчи банкларда кредит билан таъминлаш бўйича тегишли ҳужжатларни текширувдан ўтказиш имкониятини бериш керак. Бу орқали банкларда хўжалик юритувчи субъектларга (акционерлик жамиятларига) кредит хизмати кўрсатиш масъулиятини оширишга ҳам эришилади.

3. Банкларда акционерлик жамиятларини кредит ресурслари билан

таъминлаш бўйича ўтказилган аудиторлик текширувининг натижаси, тижорат банклари фаолияти устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига ҳам тақдим этилса. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига тижорат банкларини кредитлаштириш фаолияти устидан назоратни яхшилаш имконияти ошади деб ҳисоблаймиз. Тижорат банкларини кредитлаштириш фаолияти устидан назоратни яхшилаш орқали тижорат банкларда кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш, кредит ресурслари корхоналари фаолиятини яхшилашга қаратилганлиги ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан қўшимча чора тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини яратади деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтишимиз керакки банк ва акционерлик жамиятлари ўртасидаги ҳамкорлик кредит ресурслари билан таъминланишини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида ҳам амал қилиниши керак. Бу билан акционерлик жамиятларини банкларга бўлган ишончи ортиб, ўзаро манфатли алоқалар янада ривожланиб боради деб ҳисоблаймиз.

3.2. Тўқимачилик корхоналарида кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланилиши ва кредитларнинг қайтарилиши аудитини ўтказиш йўллари

Акционерлик жамиятлари банкдан кредит олиш учун банкка тақдим қилинадиган ҳужжатлар тўпламида «кредитдан қандай мақсадларда фойдаланиш тўғрисидаги бизнес-режа» мавжуд бўлиши талаб қилинади. Бизнес-режа кредит олувчи томонидан ишлаб чиқилиб, унда келажакда олинadиган кредитни қайси мақсадларни амалга ошириш учун сарфланиши, кредитдан фойдаланиш натижасида кўзда тутилган фойда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи ва сотиш баҳоси, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳозирги кундаги бозор баҳоси, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш орқали аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш имкониятлари ва кредитдан фойдаланиш натижасидаги бошқа афзалликлар кўрсатилади.

Банк ходимлари томонидан кредит олувчи ҳар томонлама ўрганиб чиқилгандан кейин кредитлаш жараёни қуйидаги тамойиллар орқали амалга оширилади:

- мақсадлилиқ;
- таъминланганлилиқ;
- муддатлилиқ;
- қайтаришлиқ;
- фоиз тўлашлиқ.

Кредитнинг бош тамойили кредитдан мақсадли фойдаланишдир.

Бунда аниқ хўжалик жараёнларининг кредит билан боғлиқлиги таъминланади. Кредитни мақсадли йўналтириш тамойили қарз олувчи зиммасига пул маблағларини фақат бизнес-режада кўрсатилган мақсадлар учун сарфлашни таъминлаш вазифасини юклайди. Кредитлар бизнес-режа асосида берилади.

Иқтисодиётда кредит ресурсларини режали тақсимланишида мақсадлилиқ тамойили муҳим аҳамиятга эга. Кредитни мақсадли йўналтириш кредит миқдорини тартибга солиш усулларига боғлиқ бўлади.

Бу усуллар:

- лимитлаштириш;
- назорат рақамларини белгилаш;
- режа бўйича кредит миқдорини аниқлаш кабилардан иборат.

Кредитнинг мақсадли йўналтирилишини таъминлаш унинг ўз вақтида қайтарилиши учун реал шарт-шароитларни яратиб беради. Бу тамойилга риоя қилиш банк муассасалари томонидан қарз олувчи корхоналарни ҳисоботлари асосида назорат қилинади. Берилган кредит қарз олувчи томонидан бошқа. мақсадга ишлатилган бўлса, у ҳолда белгиланган тартибда кредит муддатидан олдин қайтариб олинади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, кредитдан қайси мақсадлар учун фойдаланиш кредит олувчи томонидан бизнес-режага асосан ишлаб

чиқилади. Бизнес-режада кредитдан фойдаланиш мақсади аниқ кўрсатилиб, бу мақсадни амалга оширишда ҳамкорлик қилувчи (хом-ашё сотиб олувчи, ярим тайёр маҳсулот сотиб олувчи, техника ва технолбгия сотиб олувчи ва ҳоказо) корхоналар ҳам кўрсатилади. Ҳатто, улар билан тузилган шартномадар ҳам бизнес режага илова қилиниши талаб қилинади.

Банк томонидан қарз олувчига кредит суммаси етказиб берилганда ксшш бизнес-режага асосан кредитдан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиб борилади. Бу назорат қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

- молиявий ҳисоботларни текшириш орқали;
- аудиторлик текширувини ташкил қилиш орқали.

Қарз олувчи банкдан кредит олгандан кейин ўз фаолияти давомида молиявий ҳисоботлардан банкка бир нусхадан тақдим қилиб боради. Банк эса бу молиявий ҳисоботларни текшириш орқали қарз олувчини кредитдан мақсадли фойдаланиши устидан назоратни амалга оширади. Бунда молиявий ҳисоботда келтирилган маълумотлар бизнес-режага мос эканлиги текширилади. Яъни, масалан, кредит ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида асосий восита сотиб олиш учун олинган бўлса, молиятпш ҳисобот таркибига кирувчи бухгалтерия балансида бизнес-режада кўрсатилган миқдорда асосий воситалар қиймати ортганлиги текширилади. Лекин молиявий ҳисоботларни текшириш орқали доимо кредитдан мақсадли фойдаланиш устидан тўла назорат қилиш имконини бермайди. Бу усул асосан қисқа муддатли кредитлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилишда самарали ҳисобланади. Чунки қисқа муддатли кредитлар бир йилгача бўлган муддатга берилиб, у асосан савдо фаолияти ёки ишлаб чиқариш фаолиятини айрим ҳолатларида (хом-ашё сотиб олиш учун, иш ҳақи бериш учун ва ҳоказо) борилади. Бунда қарз олувчиларни молиявий ҳисоботлари орқали ҳам кредитдан мақсадли фойдаланиши устидан назорат қилиш имконияти мавжуд. Масалан, кредит савдо фаолиятини ривожлантириш учун олинган бўлса, кредит суммаси қарз олувчи

ҳисобланган савдо корхонасига эмас, тўғридан – тўғри у тузган шартномага асосан маҳсулот етказиб берувчи корхонага ўтказиб берилади. Кредит маблағи ҳисобидан сотиб олинган маҳсулотларни сотишдаи тушгаи иушум, маҳсулот қолдиғи ва сотишдан олинган молиявий натижа молиявий ҳисоботда ўз аксини топади.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида турли ҳолатларда сарфланиши кўзда тутилган кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланиши устидан молиявий ҳисоботларни текшириш орқали хулоса чиқариш етарли эмас, шунинг учун бу даврда аудиторлик текширувидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланиши аудиторлик текширувидан қуйидагича ўтказилиши мумкин:

1. Банк ходимлари томонидан;
2. Хусусий аудиторлик фирмалари томонидан.

Банк ходимлари томонидан қарз олувчини мақсадли фойдаланганлигини текшириш учун биринчи навбатда банк ходимларидан ташкил топган текширув гуруҳи тузилади. Кейин қарз олувчини текшириш тўғрисида банк раҳбари буйруғи чиқарилади. Буйруқда текширувчилар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми отасининг исми, қайси бўлимда, қайси лавозимда ишлаши) келтирилади. Буйруққа асосан текширув амалга оширилиши мумкин бўлади. Банк ходимлари кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланаётганлигини текширишда кредит маблағлари қаерларга тўланаётганлигини, тўлов ҳужжатларини текшируви орқали аниқлашлари ва тўланган маблағ ҳисобига - келтирилган асосий воситалар ва бошқа турдаги маҳсулотларни юк хатларини текшириб чиқиши керак. Бундан ташқари келтирилган маҳсулотлар ҳақиқатда мавжудлиги инвентаризация (саноқ ўтказиш) қилиш йўли билан текширилиши муҳум ҳисобланади.

Ҳақиқатда мавжуд бўлган маҳсулотлар ҳужжатларга мос эканлиги текширилгандан кейин бу маълумотлар бизнес-режага солиштириш орқали таҳлил қилинади. Яъни маҳсулотларни сотиб олиш баҳоси, сифати,

миқдори бизнес-режада кўрсатилганига мос эканлиги аниқланади. Агарда бизнес-режа билан ҳақиқатдагисининг ўртасида фарқ чиқса бунинг сабаблари аниқланади.

Ҳозирги кунда қарз олувчиларни кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланиши устидан фақатгина банк назорати амалга оширилади холос. Лекин акционерлик жамиятлари кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланмаслиги натижасида зарар кўрса акциядорлар ҳам зарар кўришини ҳисобга олиб, акционерлик жамиятлари кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланиши устидан хусусий аудиторлик фирмалари аудиторлик текшируви ўтказиши орқали назоратни амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яъни акционерлик жамияти аудиторлик текширувидан ўтказилаётганда кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланилаётганлиги ҳам текширилса, бу текширувнинг хулосаси банкга тақдим этилса (Акционерлик жамиятлари бир йилда бир маротаба мажбурий равишда хусусий аудиторлик фирмалари томонидан текширувдан ўтказилиши шарт шу текширув назарда тутилган).

Бундан ташқари банк ходимлари ҳар доим ҳам корхона бухгалтерияси бўйича мутахассис бўлмаганлиги учун юқорида таъкидлаб ўтган текширувни етарли амалга ошира олмасликлари мумкин.

Хусусий аудиторлик фирмалари томонидан акционерлик жамияти кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланганлигини текширишда, текширув бизнес режани ўрганишдан бошланса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Кейин олинган кредит ҳисобига сотиб олинган маҳсулотга тегишли ҳужжатлар юк хати, ишонч қоғози ва бошқа ҳужжатлар текширилади. Ҳужжатларга асосан келтирилган маҳсулотларни ҳақиқатда мавжудлиги ҳам текширилади. Сўнгра келтирилган маҳсулотлардан қайси даражада фойдаланилаётганлиги текширилади. Текширув якунига кўра аниқланган маълумотларни бизнес-режага солиштириш орқали таҳлил қилинади. Фарқлар аниқланадиган бўлса сабаблари аниқланиб, кредит

ресурсларидан мақсадли фойдаланишни яхшилаш бўйича таклифлар берилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланиши устидан аудиторлик фирмалари орқали назоратни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланишни аудиторлик текширувидан ўтказишдан ташқари, кредит ресурсларини қайтарилиши ҳам текшириб борилади.

Тижорат банки ўзи хизмат кўрсатаётган яъни кредит билан таъминлаётган мижозлари фаолияти тўғрисида доимий ахборотга эга бўлиши, унинг кредит қобилиятини, тўлов интизоми аҳволини таҳлил қилиб бориши керак. Кредитлаш жараёнида кредит шартномаси шартларини бажаришга, қарз олувчи олинган кредитдан самарали фойдаланишга, уни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарйшга, кредитдан фойдаланиладиган бутун давр мобайнида қарз олувчи билан яқин алоқа бўлиб туришга қаратилиши лозим. Шу мақсадда мижознинг молиявий ҳолати, унинг тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш борасидаги ўз мажбуриятларини, ишлаб чиқариш ҳажми қандай бажарилаётганлиги, йўл қўйилаётган беҳуда харажатлар ва йўқотишлар, муомала харажатлари, олаётган фойдаси, ўз айланма маблағлари кўпайиши динамикаси, товар моддий бойликлар захиралари ҳамда айланма маблағлар айланишини таҳлил қилиб турилади.

Банк ҳар чоракда мижознинг кредит қобилиятини ҳисоблаб чиқиб, қарз олувчига тегишли бўлган ҳужжатлар таркибига қўшиб тикиб боради.

Қарз олувчи корхонага бориб, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ишларнинг аҳволи, баланс маълумотларининг тўғрилиги ва дебиторлик-кредиторлик қарзларининг ҳолати, шунингдек, банкка берилган гаров ҳолати текшириб турилади. Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашган, у банк назоратидан бўйин товлаган, ҳисобот маълумотлари нотўғри олиб

борилганлиги ва бухгалтерия ҳисоби ўз ҳолига ташлаб қўйилгани аниқланган ҳолларда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ банк бундан буён кредит беришни тўхтатишга ҳамда илгариги берилган кредитларни таъминот сифатида қабул қилинган ва кредит шартномаси шартларида кўзда тутилган мажбуриятлар орқали қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан муддатидан олдин ундириб олишга ҳақли.

Гаров тўғрисидаги шартнома бўйича, банк гаровга қўйилган мулкни мустақил равишда сотиши мумкин. Гаровга қўйилган мулк ким ошди савдоси орқали сотилади. Айти пайтда, қарз олувчи банкка гаровга қўйилган мулк олдиндан маълум паст нархларда сотилиши учун жавобгарлик тўғрисида талаб қўйишга ҳақли. Агар кимошди савдоси бўлиб ўтмагани эълон қилинса, банк гаровга қўйилган мулкни дастлабки нархда ўз ихтиёрида қолдиришга ҳақли. Бунда банк қонунга мувофиқ унинг талаблари олдида устунликка эга бўладиган даъволарни қондиришга мажбур.

Бундай ҳолатда банк мажбурияти шу мулкнинг кимошди савдоси учун белгиланган нарх сўммасидан ошмаслиги керак.

Гаровга қўйилган мулкни сотишдан олдин сумма кредитни қоплаш учун шартли бўлмаган ҳолларда, банк шартномада бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса, етишмаган суммани қарздорнинг бошқа мулки ҳисобидан қонунда кўзда тутилган навбатдаги тартибда олиш ҳуқуқига эга.

Гаровга қўйилган мулкни сотишдан тушган сумма қайтарилмаган кредит ҳажмидан ортиқ бўлса, банк ўртадаги фарқ суммани бир ой ичида қарз олувчига тўлаши шарт.

Агар қарз олувчи тўлов муддати келгандан сўнг 90 кун ичида кредит шартномасига мувофиқ қарзни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажармаса банк «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ, тўловга лаёқатсизлик тўғрисида иш қўзғаш учун хўжалик судига мурожат қилиш керак.

Тижорат банки қарз бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резерв барпо этиш шарт, бу резервга амалдаги тартибга мувофиқ маблағ ажратилади. Резерв ҳажми амалдаги қарздорлик ёки хатар гуруҳига боғлиқ бўлади. Тижорат банклари резерв ҳажмини ҳисобот ойининг ҳар биринчи кунига ҳисоблаб чиқади. Берилган қарзлар киритилган «хатар гуруҳи» ёмонлашган тақдирда қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резервга ажратмалар ҳар ойда ўтказиб борилади. Банк олдидаги ўз мажбурияларини бажармаган қарз олувчига нисбатан банк кредит шартномаси шартларига кўра қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- агар келишилган муддатларда банк тавсияларини бажармаса, кредитлаш тўхтатилиб қўйилиши тўғрисидаги огоҳлантирилган даъво хати юбориш;

- кредитдан фойдаланганлиги учун фоизлар ўз вақтида тўланмаган, шунингдек кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтарилиши эҳтимолдан узоқ бўлган ҳолларда, қарз олувчига башфчглик тўғрисидаги қонуида кўзда тутилган жазо чоралари қўлланиши ҳақида огоҳлантириш берилган даъво хати юборилиб, кредит бўйича қарз қолдиғини муддатидан олдин ундириб олиш;

- қарз олувчи ҳисоб юритиш ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларини бузганлиги аниқланса, кредитлашни тўхтатиш ва бу ҳақда солиқ инспекциясига хабар бериш, шунингдек, ундан ҳисоб ва ҳисобот қоидалари бузилиш сабаблари тўғрисида изоҳ берилиши, уларни тугатилиши юзасидан қандай чоралар кўрилатганлигини билдирилишини талаб қилиш.

Кредитни ўз вақтида қайтариш борасидаги мажбуриятларни бажара олмайётган қарз олувчи ўзининг тўловга лаёқатсизлиги тўғрисида матбуотда эълон бериши, банк эса бу ҳақда солиқ инспекциясига ва хўжалик судига мурожаат этиб қарз олувчини банкрот деб танилишини сўрашга ҳақлидир.

Қарз олувчи тўловга лаёқатсиз ёки банкрот деб эълон қилинганда унга янги қарзлар бериш тўхтатилади. Илгари берилган кредитлар эса муддатидан олдин ундириб олинади. Тўловлар навбати «Банкротлик

тўғрисида» ги қонунга мувофиқ белгиланади. Қарз олувчи банкрот деб эълон қилинган вақтдан бошлаб, уни қуйидагилар билан боғлиқ операциялари тўхтатилади:

1. мулкни бегоналаштириш ва бериш;
2. мажбуриятларни қоплаш;
3. ҳисоб рақамидаги ҳаракатлар;
4. дивидендлар, солиқлар, тўловлар тўлаш.

Бундай қарз олувчининг барча турдаги қарзларига жарима ва фоизлар ҳисоблаш тўхтатилади. Унинг мулкни сотиб, пул ундириш борасидаги барча чеклашлар бекор қилинади. Мулкий ёки молиявий тусдаги барча талаблар фақатгина тугатиш жараёни доирасида ҳал қилинади. Бунда банк талаблари иккинчи навбатда қаноатлантирилади.

Мулки етарли бўлмагани туфайли қондирилмаган қарз мажбуриятлари қаноатлантирилган ҳисобланади ва белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади. Кредитдан кўзланмаган мақсадларда фойдалангани учун қарз олувчи банкка кредит шартномасида белгиланган ҳажмда жарима тўлайди.

Банк тузилган шартномага мувофиқ қарз олувчини кредит ресурслари билан таъминлаши шарт ҳисобланади.

Банк ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда қарз олувчига шартномада кўзда тутилган миқдорда жарима тўлайди.

Юқорида, айтиб ўтганимиздек, кредит ресурсларини қайтарилиши устидан кредит ресурслари билан таъминловчи тижорат банки назорат қилади. Банк ходимлари ҳар доим ҳам корхона бухгалтерияси бўйича мутахассис эмас эканлигини, бундан ташқари қайтарилмаслик сабаблари банкка ҳам боғлиқ бўлиб қолиши мумкинлигини ҳисобга олиб, кредит ресурслари қайтарилишини назорат қилиш ҳам холис аудиторлар томонидан амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Банк томонидан назорат қилинганда кредит ресурсларини сарфланишига боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлар, мавжуд воситалар тўла ўрганилмаслиги ёки ўрганишга имкон

бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари банк ходимларида синчиклаб текшириш учун сарфланиши зарур бўлган вақт етарли бўлмаслиги мумкин. Шошма – шошарлик билан ўтказилган текширув етарли натижа бермаслиги мумкин. Бунинг натижасида ҳам қарз олувчи, ҳам қарз берувчи зарар кўриши мумкин.

Масаланинг иккинчи томонига ёндашадиган бўлсак, кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланилмаслигига банк ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда текширув банк ходимлари томонидан амалга оширилганда текширув натижасига ҳолисона баҳо берилмайди. Банк ёки унинг ходимлари томонидан йўл қўйилган хатолик қарз олувчига катта зарар етказиши мумкин.

Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб, кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланиш ҳолис аудиторлар томонидан амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда қарз олувчига кредитдан фойдаланиш даврида бир йилда бир маротаба аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарти қўйилади. Акционерлик жамиятлари «Акционерлик жамиятлари тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бир йилда бир маротаба мажбурий равишда аудиторлик текширувидан ўтказилиши шартлигини ҳисобга олсак, акционерлик жамиятларидан ҳеч қандай қўшимча харажат талаб қилинмайди. Чунки, худди шу текширув даврида кредитларни қайтарилиши аудити, кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланиш аудити, кредит ресурслари билан таъминланиши аудити ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда кредит билан боғлиқ барча маълумотлар яъни чиқарилган хулосалар банкка тақдим қилинади.

Кредитларнинг қайтарилишини аудиторлик текширувидан ўтказишда аудитор қуйидагиларга эътибор бериши лозим деб ҳисоблаймиз:

- кредит ёки унинг фоизларини кредит шартномасида қайтарилиши кўрсатилган санада қайтарилишига, тўлов ҳужжатларига асосан қайтарилганлигига;

- қайтарилмаган бўлса, қайтарилмаслик сабаблари ва уни олдини олиш имкониятлари ҳамда бу имкониятлардан фойдаланилганлик даражасига;

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўғри белгиланганлигига;

-ортиқча харажатларга йўл қўйилмаётганлигига;

-сотиш режаси бажарилишига;

-ишлаб чиқариш режаси бажарилишига.

Юқоридагиларни аниқлаш учун тўлов ҳужжатларини, кредит ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча бухгалтерия ҳужжатларини текширувдан ўтказиши керак бўлади. Бундан ташқари, ушбу маълумотларни банкдаги худди шундай маълумотларга (шартнома, бизнес-режа, тўлов ҳужжатлари) солиштириш йўли билан текширув мустаҳкамланди. Ҳужжатлар мос эмаслиги аниқланганда, бунинг сабаблари ўрганилади. Агар бунга банк айбдор бўлиб чиқса, шартнома шартларини бузганлик учун корхона банкни ҳўжалик судига бериш ва белгиланган тартибда жарима ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Хулоса қилиб шуни айтиш зарурки, кредитлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳолатлар юзасидан назорат қилишда холис аудиторлик хизматларидан фойдаланиш жорий қилинса, яъни кредит ресурслари билан таъминланиши, кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланилиши, ва кредитларнинг қайтарилиши юзасидан аудиторлик текшируви ўтказиш мажбурий қилиб белгиланса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳар томонлама ҳамкорликка олиб келади ва ўз мевасини беради деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Битирув малакавий ишида, тўқимачилик корхоналарида банк кредитларини ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш йуналишида олиб борилган илмий-тадқиқот буйича қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Амалдаги счетлар режасига ўрта муддатли кредитларни хусусиятларни ҳисобга олувчи 7810 - «Ўрта муддатли банк кредитлари» ҳисобварағини жорий этилишини тавсия этамиз. Бу ҳисобварақ балансга нисбатан пассив ҳисобланиб, унинг кредитида банкдан олинган ўрта муддатли кредитлар, дебетида эса ўрта муддатли кредитларни қайтарилиши акс эттирилади.

2. Олинган банк кредитлари ҳисоб – китоб рақамига тушмаслигини ва алоҳида ссуда ҳисобварағи очилиши мумкинлиги инобатга олиб, қуйидаги бухгалтерия ёзувини амалга ошириш таклиф этилади:

Д_т 5530

К_т 6910, 7510, 7810;

3. Тўқимачилик корхоналарида банк кредитлари аналитик ва синтетик ҳисобини юритишда қўлланиладиган 38-қайднома ва 4-журнал ордерга қўшимча равишда кредитларни ҳисобга олиб бориш дафтари юритилиши тавсия этилади.

4. Кредит фоизлари фойда ҳисобидан қопланмасдан, ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

5. Банк кредитидан самарали фойдаланиш имкониятини аниқлаш мақсадида қарз олувчининг анкетаси тўлдирилиши таклиф этилади.

6. Банк кредитларидан самарали фойдаланиш имкониятларини тўла ўрганиб чиқилиши ва етарли таҳлил ўтказилиши имконини ошириш мақсадида кредит олиш учун банкга тақдим қилиниши керак бўлган бизнес-режани қарз олувчи акционерлик жамияти бухгалтерия ходимлари томонидан ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

7. Акционерлик жамиятларини кредит ресурслари билан таъминланиши аудити бир вақтнинг ўзида икки томонлама ўтказилиши керак. Яъни, кредит олган акционерлик жамияти ва кредит берувчи банклар аудиторлик текширувидан бир даврда ўтказилиши керак.

8. Банкларда акционерлик жамиятларини кредит ресурслари билан таъминлаш бўйича ўтказилган аудиторлик текширувини натижаси, тижорат банклари фаолияти устидан назорат қилиш (қонунда белгиланган ваколатлари доирасида) вазифасини бажарувчи Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига ҳам тақдим этилса.

9. Тўқимачилик корхоналарида кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланилганлиги ва кредитларни қайтарилиши ҳолис аудиторлар томонидан аудиторлик текширувидан мажбурий ўтказилиб, натижаси ташқи фойдаланувчилар ҳукмига ҳавола қилиб борилиши керак деб ҳисоблаймиз (матбуотда эълон қилиш орқали).

Биз илмий ишда илгари сурган муаммоларни ечишда юқоридаги тавсия қилинган таклифлар амалиётга жорий қилинса Ўзбекистон Республикасида акционерлик жамиятларини ривожланишига, унинг самарадорлигини оширилишига, халқимизда тўқимачилик корхоналарига бўлган ишончнинг ортишига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш имкониятини ортишига, банк кредитларини ўз вақтида қайтарилишига, бунинг натижасида банк хизматларининг яхшиланишига эришилади деб ишонамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Қонунлар, Қарорлар ва инструкторив материаллар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т,: «Ўзбекистон» 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. Т.: «Ўзбекистон», 1992 й.
3. Ўзбекистон Республикаси "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуни 1991 йил 19 ноябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни «Халқ сўзи» 1996 й.
5. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири 2000 йил 26 май.
6. Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 25 апрель.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 25 апрель.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва Акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 26 апрель.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 21 март.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривождантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 19 май.
11. "Тижорат банклар томонидан фермер хўжаликлари, ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этган ҳолда амалга оширувчи бошқа кичик бизнесни субъектларини миллий ва чет элвалютасида микрокредитлаш тартиби" Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки,

2000 йил 24 февраль.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли Қарори «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» 1999 йил 5- феврал.

II. Умумиқтисодий адабиётлар

13. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент., "Ўзбекистон", 1998 -682 б.
14. И.А.Каримов Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. Т.: "Ўзбекистон" 1997-384 б.
15. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқур-лаштириш йўлида. Т.: "Ўзбекистон", 1995.

III. Махсус адабиётлар

16. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: "Меҳнат", 1997, 428 б.
17. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари - Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашр уйи,___ 1999.
18. Абдуллаева Ш. "Банк иши" ўқув қўлланма. Т: "ТМИ" 2000 йил.
19. Ассоциация бухгалтеров аудиторов Узбекистана. Национальнме Стандарты Бухгалтерского Учёта Республики Узбекистан. Бюллетень "Все для бухгалтера" спецвыгауск № 2 Тошкент, 2000.
20. Ангелиди М.С. "Организация кредитного процесса в коммерческих банках" Т: 1996 й.
21. Белый И.Н. "Ревизия и контроль в АПК" Минск. Урожай 1998 г.
22. Бухгалтерский учет: Учебник для вузов "Под. ред. проф. Ю.А: Бабаева" -М.: "ЮНИТИ-ДАНА", 2001-476 с.
23. Беганов В., Шаулов Д., Кан У. Акционерлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Т.:

- "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" -1998 -240 б.
24. Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами. Пер. с англ. М.: "Финансы и статистика", 2000-800с,
 25. Гадоев Э. "Бухгалтерия ҳисоби: саволлар ва жавоблар, таъсис ҳужжатлари, ҳисоб шакллари" Т.: "Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси". 1996 йил.
 26. Иткин Ю.М., Сотиволдиев А.С. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана. В двух томах. изд. Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан, 1997.
 27. Иминов О. "Япониянинг кредит тизими" Журнал "Бозор, пул ва кредит" 2000 й. 2-сон.
 28. Кирьянова З.В. Теория бухгалтерского учёта. Москва. "Финансы и статистика" 1998 -254 с.
 29. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет, М.: "Инфра-М", 1999-583 с.
 30. Пардаев М. Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. -Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1999. 304 б.
 31. Ризақулов А., Нарзиев Ф. "Аудит" Т: "Қатортол-камолот" 1999 й.
 32. Санаев Н. «Аудит» Т.: «Шарқ» 2002 й.
 33. Сотиволдиев А., Ю.Иткин. "Замонавий бухгалтерия ҳисоби" Т.: "УзБ ва АМ ассоциацияси" I- II -том, 2002 й.
 34. Терехова В.А. Международные и национальные Стандарты бухгалтерского учёта и отчетности. М-"Издательство" Перспектива. Издательство "АҚДИ Экономике и жизнь" 2000 -301 с.
 35. Финансовый учет. ШАГО. Реформа бухгалтерского учета в Узбекистане. Корпорация Карана. Т., 2000 март, 270 стр.
 36. Хонгрэн Ч.Т. Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. Пер. с англ. М.: "Финансы и статистика", 2000-416 с. 129.!
 37. Ҳамдамов Б. "Аудит: умумий назария" Т: 1999 й.

